АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc. 27.06.2017.Fil.19.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ

ЮСУПОВА ДИЛНОВОЗ РАҲМОНОВНА

ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДАГИ АРУЗГА ДОИР РИСОЛАЛАРНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ

10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирма тилшунослик ва таржимашунослик

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2019

УЎК:801.731:821.512.133-102(043.3)

Филология фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Content of Dissertation Abstract of Doctor of Science (DSc) on Philological Sciences

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc) по филологическим наукам

Юсупова Дилновоз Раҳмоновна
Темурийлар давридаги арузга доир рисолаларнинг қиёсий таҳлили 3

Yusupova Dilnovoz Rakhmonovna
Comparative analysis of the treatises on aruz during the Temurids' period .. 33

Юсупова Дилновоз Рахмоновна
Сравнительный анализ трактатов об арузе в период Темуридов 63

Эълон қилинган ишлар рўйхати
List of published works
Список опубликованных работ .....…….. 68

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc. 27.06.2017.Fil.19.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ

ЮСУПОВА ДИЛНОВОЗ РАҲМОНОВНА

ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДАГИ АРУЗГА ДОИР РИСОЛАЛАРНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ

10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирма тилшунослик ва таржимашунослик

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2019

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.3.DSc/Fil108 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.navoiy-uni.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	**Тўйчиева Гулхумор Умматалиевна** филология фанлари доктори
Расмий оппонентлар:	**Болтабоев Ҳамидулла Убайдуллаевич** филология фанлари доктори, профессор
	Тўхлиев Боқижон филология фанлари доктори, профессор
	Шодмонов Нафас Намозович филология фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	**ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги давлат адабиёт музейи**

Диссертация ҳимояси Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳузуридаги DSc. 27.06.2017.Fil.19.01 рақамли Илмий кенгаш асосида ташкил этилган Бир марталик илмий кенгашнинг 2019 йил «____» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100100, Тошкент, Яккасарой тумани, Юсуф Ҳос Ҳожиб кўчаси, 103. Тел.: (99871) 281-42-44; факс: (99871) 281-42-44, (www.navoiy-uni.uz).

Диссертация билан Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100100, Тошкент, Яккасарой тумани, Юсуф Ҳос Ҳожиб кўчаси, 103. Тел.: (99871) 281-42-44; факс: (99871) 281-42-44, (www.navoiy-uni.uz).

Диссертация автореферати 2019 йил «____» _____ куни тарқатилди.

(2019 йил «____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ш.С.Сирожиддинов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосидаги Бир марталик илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

Қ.У.Пардаев
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосидаги Бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, филол.ф.н.

Н.А.Жабборов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги Бир марталик илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

КИРИШ (Докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон шеършунослигида адабиётнинг поэтик унсурларини тарихийлик, қиёсийлик, ўзаро таъсир ва акс таъсир, объективлик, синкретизм тамойиллари асосида ўрганиш ривожланаётган бўлиб, шеършунослик илмини узвийликда тараққий этган тарихий жараён сифатида баҳолаш долзарб масалалар сирасига киради. Шу маънода, шеършуносликнинг таркибий қисми бўлган арузшуносликнинг характерли жиҳатларини аниқлаш, аруз тизимининг квантитатив ва квалитатив хусусиятларини асослаш, арузнинг ритмик унсурларини ўзаро қиёсий жиҳатдан ўрганиш каби масалалар жаҳон аруз илмининг ўрганилиши зарур бўлган муҳим мавзуларига айланмоқда.

Дунё миқёсида шеършунослик ва шеър тузилишларини ўрганиш тарихан энг қадимги даврдаёқ бошланганига қарамай, у ўз методикаси ва мавзу қирраларига кўра янги йўналишлардан саналади. Шеъриятнинг мавжудлиги тамаддун ривожига алоқадор унсур эканлиги шубҳасиз. Бироқ Шарқ халқларининг миллий адабиётлари вазнлари, хусусан, ўзбек арузи ва арузшунослигига доир барча муаммолар илмий ечимини топган, деб айта олмаймиз. Айниқса, миллий ўзликни англаш жараёнида бизнинг ҳудудимизда ривожланган тамаддун ўчоқларида, хусусан, темурийлар даврида аруз илмининг ўзига хос жиҳатларини ўрганиш давр талабидир.

Ўзбекистонда мамлакат стратегик ривожининг бош омиллари белгиланар экан, «Мана шу стратегияга мувофиқ, барча соҳа ва тармоқлар қатори маданият ва санъат, адабиёт, оммавий ахборот воситалари равнақини янги босқичга кўтаришни биз ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз... Аввало, халқимизнинг яратувчилик даҳоси билан бунёд этилган ноёб меросини ҳар томонлама чуқур ўрганиш, юртимиздан етишиб чиққан буюк аллома ва мутафаккирларнинг ҳаёти ва илмий-ижодий фаолияти ҳақида яхлит тасаввур уйғотиш, ёш авлодни гуманистик ғоялар, миллий ғурур ва ифтихор руҳида тарбиялашдек эзгу мақсадлар кўзда тутилган»[1]. Темурийлар даврида аруз илми назарий таълимот сифатида ўзининг юксак чўққисига кўтарилди. Ушбу давр вакилларидан Шайх Аҳмад Тарозий, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Абдураҳмон Жомий, Сайфий Бухорий, Атоуллоҳ Ҳусайний каби ижодкорларнинг асарлари арузнинг назарий асослари чуқур ва муфассал ёритилгани билан алоҳида аҳамиятга эга. Мазкур асарлар ҳақида ўзбек адабиётшунослигида сўнгги йилларда баъзи мақола ва тадқиқотлар яратилган бўлса-да, уларнинг ўзаро қиёсий таҳлили фундаментал тарзда ва арузнинг ритмик унсурлари сатҳида махсус ўрганилмаган эди. Темурийлар даврига оид аруз рисолаларини ўзаро қиёсий тадқиқ қилиш адабиётшуносликнинг долзарб масалаларидандир.

[1]Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги «Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир» нутқи//http://uza.uz/oz/politics/adabyet-va-sanat-madaniyatni-rivozhlantirish-khal-imiz-mana-03-08-2017.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797-сон «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида»ги, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармон ва Қарорлари ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи[2]**.** Темурийлар давридаги маданият, санъат, фан ва адабиёт ривожи, шунингдек, шеър тузилиши ва арузшуносликни ўрганишга оид тадқиқотлар жаҳоннинг қатор етакчи илмий марказларида, жумладан, Оксфорд университети, Кембриж университети (Буюк Британия); دانشگاه تهران , دانشگاه فردوسی مشهد (Эрон); İstanbul Üniversitesi, Ankara Üniversitesi, Gazi Üniversitesi (Туркия); Балх давлат университети (Афғонистон), Aligarh Muslim University, Delhi University (Ҳиндистон); Azerbaycan milli elmler akademiyasi Nizami adına ədəbiyyat İnstitutu va Z.Bünyadov adına Şərqşünaslıq İnstitutu (Озарбайжон); Восточный факультет при СПбГУ, Институт восточных рукописей в Санкт-Петербурге (Россия); Институт востоковедения АН Украины им. А. Крымского (Украина); Донишгоҳи миллии Тоҷикистон, Институти забон, адабиёт, шарқшиносӣ ва мероси хаттии ба номи Рӯдакӣ (Тожикистон); Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти, Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент давлат шарқшунослик институти, Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, Самарқанд давлат университети, Ўзбекистон халқаро ислом академияси (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Дунё шеършунослигида қадимги ва замонавий шеър тизимлари, уларнинг шаклланиш ва ривожланиш тамойиллари, шеър тузилишида ритмик

[2]Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи https://arts.unimelb.edu.au/nceis; https://www.westernsydney.edu.au;https://sllc.umd.edu/persian/about; http://nelc.uchicago.edu; https://nelc.osu.edu; http://ut.ac.ir; http://www.um.ac.ir ; https://www.amu.ac.in ; http://www.du.ac.in/du; http://www.istanbul.edu.tr/tr; https://www.ankara.edu.tr; http://gazi.edu.tr; https://www.orientalstudies.az/ru ; http://literature.az/?lang=aze; http://www.kaznu.kz/ru; www.iaas.msu.ru; https://www.ivran.ru; https://spbu.ru; www.orient.spbu.ru/ru; http://www.orientalstudies.ru; http://oriental-studies.org.ua/uk/home; http://zoa.dmt.tj; http://iza.tj/ru/institut-yazyka-literatury-vostokovedeniya-i-pismennogo-naslediya-im-rudaki; http://tashgiv.uz/ru/; http://navoiy-uni.uz/uz-k; http://www.samdu.uz ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

бўлакларнинг ўрни, шеър архитектоникаси, шеър лингвопоэтикаси, мисрадорлик, банддорлик, шеърий нутқнинг ички қурилишига доир қуйидаги натижаларга эришилган: ислом даври шеъриятида аруз тизими ва унинг эволюцион тараққиёти, миллий, хусусан, ўзбек, турк, озарбайжон, форс-тожик, афғон, татар, араб шеър тузилишлари хусусиятлари, шеър тузилишларининг эволюцияси ва генезиси очиб берилган (Оксфорд университети, دانشگاه تهران, İstanbul Üniversitesi, Gazi Üniversitesi, Azerbaycan milli elmler akademiyasi Nizami adına ədəbiyyat İnstitutu, Институти забон, адабиёт, шарқшиносӣ ва мероси хаттии ба номи Рӯдакӣ, Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти, Тошкент давлат шарқшунослик институти, Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, Ўзбекистон халқаро ислом академияси).

Жаҳон шеършунослигида шеърий тизимларни янги ёндашувлар ва техник имкониятлар ёрдамида тадқиқ этиш учун қуйидаги йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: қадимги ва замонавий вазнлар ҳамда уларнинг ички қурилишини назарий-амалий жиҳатдан қиёслаш, аруз тизимида вазн, қофия, ритм, банд, урғу, ритмик такрорлар, бадиий воситалар каби шеърий унсурлар мутаносиблигини ўрганиш; шеършуносликдаги янги ёндашувлар, қарашлар ва назарияларнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш; аруз назариясига оид қўлёзмалар феҳристини тузиш; арузни тадқиқ этишнинг компьютер технологияларига асосланган замонавий дастурлари ва усулларини ишлаб чиқиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Аруз тизими, унинг ривожланиш тамойиллари, арузшунослик тараққиёти муаммолари ҳар бир тарихий даврда тадқиқотчилар диққатини ўзига жалб қилиб келган. Айниқса, аруз назариясида қандай қилиб араб арузи миллий мумтоз шеъриятларнинг бош шеърий тизимига айланган деган савол ҳануз пировард тарзда ечимини топган эмас. Бу эса аруз ва арузшуносликни тарихий-қиёсий йўналишда ўрганишни тақозо этади.

Ўрта асрлар, хусусан, XII-XV асрларда яратилган араб, форс-тожик ва ўзбек шеършунослигига доир асарларни, жумладан, ўрта асрлар қўлёзмалари ва рисолаларини тадқиқ этиш, қадимги давр ва ўрта асрлар шеър тизимларини ўрганиш, олимлар илмий мероси, ёндашув ва қарашларини белгилаш, мумтоз адабиётнинг бадиий воситалари ва шеър тизимлари тараққиётини белгилаш бўйича жаҳон ва қардош халқлар адабиётшунослигида муайян илмий изланишлар олиб борилган.

Ҳ.Блошман (Германия), Д.Де Уис (АҚШ), М.Симидчева (Канада), И.Ю.Крачковский, А.Б.Куделин, Д.В.Фролов, И.В.Стеблева, Н.Ю.Чалисова (Россия), Р.Мусулмонқулов, У.Тоиров (Тожикистон), Ш.С.Калиева (Қозоғистон), Б.Тўхлиев, С.Рустамий, Г.Тўйчиева (Ўзбекистон) каби олимлар ўз тадқиқотларида ўрта асрларда кенг ривож топган адаб илмлари, хусусан, илми аруз, илми қофия, илми бадиъ, илми балоғага бағишланган рисолалар мисолида араб, форс, туркий арузларнинг метрик хусусиятлари, мумтоз

поэтика билан боғлиқ муаммоларни кун тартибига қўйиб, уларга доир ўз қарашларини билдириб ўтганлар[3].

Дунё миқёсида Л.Р.Элвелл-Саттон, Ж.С.Мейсами (Буюк Британия), Б.Я.Шидфар, И.М.Фильштинский, М-Н.Османов (Россия), Ж.Ландау (Франция), А.Жаъфар (Озарбайжон), Б.Сирус, А.Саттарзода, С.Солиҳов, Т.Мардоний, А.Нажибуллоҳ, (Тожикистон), Х.Курбатов, Х.Усмонов, М.Бакиров (Татаристон), З.А.Ахметов, А.Тилавалди (Қозоғистон), К.Рисалиев (Қирғизистон), А.Бекмурадов (Туркманистон) каби олимлар араб, форс, тожик, озарбайжон, татар, қозоқ, қирғиз, туркман шеър тузилишларининг тарихи ва замонавий ривожланиш тамойиллари, жумладан, мумтоз адабиётнинг образлар тизими, бадиий воситалари ва метрик асослари каби масалаларни тадқиқ қилган[4].

---

[3] Blochmann H. Prosody of the Persians according to Saifi, Jami and other writers. Calcutta, 1872; DeWeese D. The Predecessors of Nava'i in the «Funun al-balagah» of Shaykh Ahmad b. Khudaydad Tarazi: a neglected source on Central Asian literary culture from the fifteenth century // Turkish studies, edited by Sinasi Tekin, 2005, volume 29; Simidchieva M. Imitation and Innovatsion in Timueid Poetics: Kashifi's Badayi al-afkar and Predecessors, al-Mu'jam and Hada'iq al-sihr // Iraninan Studies, volume 36, number 4, 2003; Крачковский И.Ю. Арабская поэтика в IX веке / Изб. Соч., – М. – Л.: Академия наук, Т. II. 1956; Куделин А.Б. Средневековая арабская поэтика (вторая половина VIII-XI век). – М.: Наука, 1983; Фролов Д.В. Арабская филология. – М.: Языки славянской культуры, 2006; Фролов Д.В. Классический арабский стих. История и теория аруда. – М.: Наука. 1991; Стеблева И.В. О проникновении арабо-персидских метров в тюрко-язычную поэзию / Проблемы теории литературы и эстетики в странах Востока. – М.: Наука, 1964; Стеблева И.В. Ритм и смысл в классической тюркоязычной поэзии. – М.: Наука, 1993; Чалисова Н.Ю. Ватват и его трактат «Сады волшебства в тонкостях поэзии» // Ватват. Сады волшебства. – М.: Наука. 1985; Чалисова Н.Ю. Персидская поэзия на весах поэтики // Шамс Кайс Рази. Свод правил персидской поэзии. – М.: Восточная литература, 1997; Мусульманкулов Р. Персидско-таджикская классическая поэтика (X-XV вв.). – М.: Наука, 1989; Тоиров У. Фарҳанги истилоҳоти арӯзи ачам. – Душанбе: Маориф, 1991; Тоиров У. Становление и развитие аруза в теории и практике персидско-таджикской поэзии. Автореф. дисс. ... докт. филол. наук. – Душанбе, 1997; Калиева Ш.С. Творчество Исмаила ал-Джаухари и его место в арабской филологии. Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – Т.: ТашГИВ, 2002; Тухлиев Б.Вопросы поэтики «Кутадгу билиг» Юсуфа Хас Хаджиба. – Т., 2004; Рустамий С. Ўрта асрлар ислом балоғат илмида тилшуносликка оид қарашлар. Филол. фан. докт. (DSc) дисс... – Т., 2018; Туйчиева Г.У. Аруз в контексте газелей Амир Хосрова Дехлеви. – Т.: ТашГИВ, 2005; Тўйчиева Г.У. Ислом даври шеъриятида аруз тизими ва унинг эволюцион тараққиёти. Филол. фан. докт. (DSc) дисс... – Т., 2019.

[4] Elwell-Sutton L.R. Persian Metrics. – Cambridge, 1976; Meisami J.S. Structure and Meaning in Medieval Arabic and Persian Poetry. – London, 2003; Шидфар Б.Я. Образная система арабской классической литературы (VI–XII вв.). – М.: Наука, 1974; Фильштинский И.М. Арабская литература в средние века. – Москва: Гл.ред.вост.лит., 1978. – С. 254; Османов М-Н.О. Стиль персидско-таджикской поэзии IX-X вв. – М.: Наука, 1974; Landau J. De rythme & de raison. Paris: Presses Sorbonee nouvelle, 2013; Чәфәр Ә. Әрузун нәзәри әсаслары вә Азәрбајчан әрузу. – Бакы: Елм, 1977; Сирус Б. Арузи тоҷики. – Душанбе: Нашриёти давлатии Точикистон, 1963; Саттарзода А. Аристотель и таджикско-персидская литературная мысль (IX-XV вв). – Душанбе: Адиб, 2002; Солиҳов С. Аруз ва омузиши он. – Душанбе, 2005; Мардони Т.Н. Влияние арабской поэзии на творчество таджикских-персидских поэтов IX-XII веков. Дисс. …докт. филол. наук. – Душанбе, 2006; Мардони Т.Н. Арабско-таджикские литературные связи. – Душанбе: Ирфон, 2006; Наджибуллохи А. Аруз и соотношение метра и содержания в персидско-таджикской поэзии. Автореф. дисс. …канд. филол. наук. – Душанбе, 2016; Курбатов Х.Р. Метрика «аруз» в татарском стихосложении // Советская тюркология. – № 6, 1973; Усманов Х.У. Древние истоки тюркского стиха. – Казань, 1984; Усманов Х.У. Тюркский стих в средние века. – Казань: КГУ, 1987; Бакиров М.Х. Закономерности тюркского и татарского стихосложения в свете экспериментальных исследований. Автореф. дисс. ....канд филол.наук. – Казань, 1972; Бакиров М.Х. Генезис и древнейшие формы общетюркской поэзии. Автореф. дисс. ... докт. филол. наук. – Казань, 1999; Ахметов З.А. Казахское стихосложение. – Алматы, 1964; Тилавалди А. Древнетюркский книжный стих. – Алматы, 2002; Рысалиев К. Киргизское стихосложение. – Фрунзе, 1965; Бекмурадов А. Основные тенденции развития стихосложения в туркменской советской поэзии. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ашхабад. 1980.

Шунингдек, рус ва Европа адабиётшунослигида шеършунослик, хусусан, шеърий шакл, шеърий нутқ, ритм, вазн, қофия билан боғлиқ қатор масалалар тарихий-қиёсий йўналишда тадқиқ этилган[5].

Ўзбек арузшунослиги ҳам бу соҳада ўзининг илмий анъаналарига эга бўлиб, араб, форс-тожик ва ўзбек арузлари А.Саъдий, А.Фитрат, И.Султонов, С.Мирзаев, Ш.Шомуҳамедов, А.Рустамов, Э.Талабов, У.Тўйчиев, С.Ҳасанов, А.Ҳожиаҳмедов, А.Ҳайитметов, М.Зиёвуддинова, Ҳ.Болтабоев, А.Аъзамов, М.Олимов, Н.Шодмонов, Д.Зоҳидова каби олимлар томонидан таҳлил қилинган[6].

Бироқ шеършунослик илмининг тарихий тадрижини белгилашда муҳим ўринга эга бўлган темурийлар давридаги арузшунослик тараққиёти илмий муаммо сифатида яхлит ҳолда фундаментал ўрганилмаганлиги ва бу даврга оид рисолалардаги аруз масалалари ритмик бирликлар сатҳида қиёсан тадқиқ этилмаганлиги мазкур диссертациянинг аввалги илмий ишлардан фарқ қилишини кўрсатади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети «Ўзбек адабиёти тарихи ва фольклор» кафедраси истиқбол режасининг «Ўзбек адабиёти тарихи ва фольклорини тадқиқ этишнинг долзарб масалалари» устувор илмий йўналиши ҳамда ОТ-Ф1-030 «Ўзбек адабиёти тарихи» кўпжилдлик монографияни (7 жилд) яратиш» (2017-2020 йй.), «Навоийшунослик тарихи» (2018-2020 йй.) илмий лойиҳаси доирасида бажарилган.

---

[5] Пруцков Н. Историко-сравнительный анализ произведений художественной литературы. – Л.: Наука, 1974; Жирмунский В. Введение в метрику. Теория стиха. – Л.: Советский писатель, 1975; Жирмунский В. Сравнительное литературоведение. Восток и Запад. Избр. труды. – М.: Наука, 1979; Дюришин Д. Теория сравнительного изучения литератур. – М.: Прогресс, 1979; Веселовский А. Историческая поэтика. – М.: Высшая школа, 1989; Аминева В. Теоретические основы сравнительного и сопоставительного литературоведения. – Казань, 2014.

[6] Саъдий А. Амалий ва назарий адабиёт дарслари. – Т., 1925; Фитрат А. Адабиёт қоидалари / Нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи Ҳ. Болтабоев. – Т.: Ўқитувчи, 1985; Фитрат. Аруз ҳақида / Нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи Ҳ. Болтабоев. – Т.: Ўқитувчи, 1997; Султонов И. Навоийнинг «Мезон ул-авзон»и ва унинг критик тексти. Номз. ... дисс. – Т., 1947; Мирзаев С. Навоий арузи. Номз. ... дисс. – Т., 1948; Шомуҳамедов Ш.М. Форс-тожик арузи. – Т.: ТошДУ, 1970; Рустамов А. Аруз ҳақида суҳбатлар. – Т.: Фан, 1972; Талабов Э. Араб арузи. – Т.: ТошДУ, 1977; Талабов Э. Араб шеъриятида аруз тизими. Филол.фан.докт. ... дисс. автореф. – Т., 2004; Олмосли Э.Т. Аруз. – Т.: MUMTOZ SO‘Z, 2017; Тўйчиев У. Арузшуносликка доир. – Т.: Фан, 1973. – Б. 42; Тўйчиев У. Ўзбек шеър системалари. – Т.: Фан, 1981; Тўйчиев У. Ўзбек поэзиясида аруз системаси. – Т.: Фан, 1985; Туйчиев У. Система аруза в узбекской поэзии. Дис. ... докт.филол.наук. – Т., 1987; Ҳасанов С. Бобурнинг «Аруз рисоласи». Филол.фан.номз. ... дисс. – Т., 1972; Ҳасанов С. Бобурнинг «Аруз рисоласи» асари. – Т.: Фан, 1981; Ҳожиаҳмедов А. Аруз назарияси асослари. – Т.: 1982; Ҳожиаҳмедов А. Ўзбек арузи луғати. – Т.: Шарқ, 1998; Ҳожиаҳмедов А. Навоий арузи нафосати. – Т.: Фан, 2006; Ҳайитметов А. Туркий тилда адабиётдан илк назарий қўлланма / Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозий. Фунуну-л-балоға.– Т.: Хазина, 1996; Зиявиддинова М. Поэтика в «Мафатих ул-улум» Абу Абдаллаха ал-Хорезми. Автореф. дисс. …канд. филол. наук. – Т., 1990; Зиёвуддинова М. Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмийнинг «Мафотиҳ ал-улум» асарида поэтика. – Т.: ТошДШИ, 2001; Болтабоев Ҳ. «Рисолаи аруз» ва аруз ҳақида / Мумтоз сўз қадри. – Т.: Адабиёт ва санъат, 2004; Болтабоев Ҳ. Шарқ мумтоз поэтикаси. Манба ва талқинлар. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006; Аъзамов А. Аруз. – Т.: Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2006; Олимов М. Рисолаи аруз. – Т.: Ёзувчи, 2002; Shodmonov N. Aruz vazni asoslari. – Qarshi: Nasaf, 2012; Зоҳидова Д. Аруз сабоқлари. – Т.: MUMTOZ SO‘Z, 2016.

Тадқиқотнинг мақсади темурийлар даври арузшунослигининг назарий, амалий, ритмик унсурлар кесимидаги қиёсий таҳлилини амалга ошириш, тарихий тараққиёт тенденциялари ва ўзига хос хусусиятларини илмий асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари. Диссертация олдига қўйилган мақсадни амалга ошириш учун қуйидаги вазифаларни ҳал этиш кўзда тутилади:

темурийлар даври арузшунослигининг ривожланиш омилларини ўзбек (туркий) ва форс-тожик аруз назарияларининг эволюцион шаклланиш босқичи сифатида баҳолаш ҳамда шу асосда аруз рисолаларининг қиёсий таҳлилини амалга ошириш;

бу давр рисолалари учун назарий асос бўлган араб ва форс-тожик тилидаги арузга доир манбаларни қиёсан ўрганиш;

рисолалар асосида ўзбек ва форс-тожик арузшунослигидаги *жузв, аслий рукн* ва *зиҳоф* назарияларининг қиёсий-тарихий тавсифини ишлаб чиқиш;

*зиҳофлар*нинг келиб чиқиши ва *аслий рукнлар* билан бевосита ва билвосита боғланишига доир назарий қарашлар ва ёндашувларнинг компаративистик ўзига хослигини белгилаш;

бу давр арузшунослигидаги *баҳр* ва *доира* назариясининг хусусий ва умумий жиҳатларини белгилаш асосида темурийлар даври аруз илмида анъанавийлик ва новаторлик омилларини кўрсатиш;

темурийлар даври арузшунослигида *рубоий* жанрининг вазн хусусиятлари ва метрик ўзига хослигига оид қарашларнинг қиёсий таҳлилини амалга ошириш.

Тадқиқотнинг объекти. Тадқиқот учун темурийлар даврида яратилган Шайх Аҳмад Тарозийнинг «Фунун ул-балоға», Абдураҳмон Жомийнинг «Рисолаи аруз», Атоуллоҳ Ҳусайнийнинг «Бадойиъ ус-санойиъ», Алишер Навоийнинг «Мезон ул-авзон», Сайфий Бухорийнинг «Арузи Сайфий», Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Аруз рисоласи» асарлари асос қилиб олинди. Шунингдек, зарур ўринларда XV асргача яратилган арузга доир араб ва форс-тожик рисолаларидан ҳам қиёс учун фойдаланилди.

Тадқиқотнинг предметини темурийлар давридаги аруз рисолалари ва арузга доир ритмик унсурларнинг қиёсий таҳлили ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида тавсифий, қиёсий-тарихий, тизимлаштириш ва статистик методлардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

темурийлар даври арузшунослиги Шайх Аҳмад Тарозий, Абдураҳмон Жомий, Атоуллоҳ Ҳусайний, Алишер Навоий, Сайфий Бухорий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур рисолалари асосида ўзбек ва форс-тожик аруз назарияларининг эволюцион босқичи сифатида баҳоланган ҳамда ушбу рисолаларнинг қиёсий таҳлили *жузв, рукн, зиҳоф, баҳр, вазн, доира* каби арузий бирликлар сатҳида амалга оширилган;

баҳрлар таснифи билан боғлиқ масалада Маҳмуд Замахшарий, *зиҳофлар* назариясида Абу Жайш Андалусий, *жузв* ва *доиралар* талқинида Шамс Қайс Розий ҳамда Насируддин Тусий асарлари бу давр арузшунослиги учун назарий асос вазифасини ўтаганлиги илмий далилланган;

зиҳоф, баҳр ва *доира*лар сонининг турлича эканлиги рисолаларнинг йўналиши, характери ва муаллифларнинг мақсадлари, туркий ва форсий арузларнинг тил қонуниятлари билан бевосита боғлиқ эканлиги асосланган;

рубоий жанрининг вазн хусусиятлари ва метрик ўзига хослигига оид қарашларнинг қиёсий тавсифи ишлаб чиқилган;

ушбу давр рисолаларида санъат даражасига кўтарилган *муталаввун* ҳодисасини таҳлил қилиш асосида аруз вазни квантитатив тизим бўлиш билан бирга квалитативлик хусусиятларига ҳам эга шеър тузилиши эканлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

темурийлар даврида яратилган арузга доир рисолаларнинг назарий асослари аниқланган ва тизимлаштирилган;

ўзбек ва форс-тожик арузшунослигининг ривожланиш омиллари қиёсий-тарихий жиҳатдан тадқиқ этилган;

темурийлар даврида ўзбек ва форс-тожик арузшунослиги ягона илдизларга эга бўлиб, яхлит ҳолда мавжуд бўлганлиги ва бир маданий-адабий муҳит маҳсули эканлиги исботланган;

рисолаларнинг Шарқ мумтоз поэтикаси тараққиётида тутган ўрни белгиланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги аруз илми тарихи ва замонавий ривожига оид юртимиз, хорижий мамлакатлар олимларининг фундаментал илмий-назарий қарашлари ўрганилгани, тадқиқот доирасига бирламчи адабий ёзма ёдгорликлар, хусусан, «Фунун ул-балоға»нинг Буюк Британиядаги Бодлиан кутубхонасида сақланувчи Eliott №-127 инвентарь рақамли, «Рисолаи аруз»нинг Ўзбекистон Республикаси ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида сақланувчи 4326 инвентарь рақамли қўлёзма нусхалари жалб этилгани ва улардан фойдаланилгани, тадқиқот хулосалари ва тавсиялари амалиётга татбиқ этилгани билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ўзбек ва Шарқ мумтоз поэтикаси, хусусан, аруз назариясига оид қарашлар, илмий муомалага киритилган ва таржима қилинган манбалар ҳақидаги назарий хулоса ва тавсиялардан соҳага оид илмий-тадқиқот ишларини такомиллаштириш, арузшунослик йўналишини янада жадаллаштириш, мавзуга оид тадқиқот ва монографиялар яратиш, адабий алоқалар ва адабий таъсир масалаларини тадқиқ этишда илмий-назарий манба сифатида истифода этилиши мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти диссертация хулосалари ва тавсияларидан «Ўзбек адабиёти тарихи», «Аруз ва мумтоз поэтика асослари», «Навоийшунослик» фанларидан инновацион дарслик ва ўқув қўлланмаларни яратиш, маъруза ва семинар машғулотлари мазмунини такомиллаштириш, факультатив дарслар ва махсус курслар ишлаб чиқиш, «Ўзбек адабиёти тарихи», «Жаҳон адабиёти» каби фанлар мазмунини назарий хулосалар билан такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларнинг жорий қилиниши. Диссертацияда ишлаб чиқилган назарий ва амалий хулоса, тавсия ва ишланмалар асосида:

темурийлар давридаги арузшунослик ривожига ҳисса қўшган форс-тожик ва ўзбек (туркий) олимларининг аруз тизими ва аруз назариясига оид илмий-назарий қарашлари ОФ-Ф8-027 рақамли «Қўлёзма манбаларнинг миллий-маънавий ва адабий мерос тарғиботидаги аҳамияти» (2007-2011) мавзусидаги фундаментал лойиҳада тизимли тадқиқ этилган ҳамда бирламчи манбалар асосида туркий шеършуносликка доир илк манба «Фунун ул-балоға»да аруз масаласи илми адабнинг таркибий қисми сифатида ўрганилганлиги, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Сайфий Бухорийнинг асарларида аруз назарияси махсус рисола тарзида тадқиқ этилганлиги билан боғлиқ маълумотларни асослашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 4 июлдаги 89-03-2686-сон маълумотномаси). Натижада темурийлар даврида яратилган рисолалар юртимиз миллий-маънавий ва адабий меросининг ажралмас қисми эканлиги исботланган ҳамда ушбу рисолаларнинг маънавиятимиз ва адабиётимиз тарихида ўзига хос аҳамиятга эга эканлиги очиб берилган;

бу давр рисолалари таркибидаги жузв, зиҳоф, тармоқ рукнлар, баҳр, доира, вазн каби унсурлар изоҳи ва қиёсий таҳлилига доир маълумотлардан Ф1-02 рақамли «Адабиётшунослик тарихининг фундаментал тадқиқи» (2012–2016) мавзусидаги фундаментал лойиҳада «Фунун ул-балоға», «Рисолаи аруз», «Бадойиъ ус-санойиъ», «Мезон ул-авзон», «Аруз рисоласи», каби рисолаларда зиҳоф ва тармоқ рукнлар, баҳр ва доираларга тўхталиб ўтилганлиги билан боғлиқ маълумотларни таҳлил қилишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 4 июлдаги 89-03-2686-сон маълумотномаси). Натижада рисолалардаги арузга доир унсурлар қиёси асосида темурийлар даври адабиётшунослигининг ўзига хос хусусиятларини белгилашга эришилган;

форс-тожик арузи назариясининг ривожига оид тарихий-адабий маълумотлар, жумладан, Абдураҳмон Жомий, Сайфий Бухорий асарларига оид қўлёзма манбалар ҳақидаги тизимлаштирилган ахборотлардан Республика Тожик миллий маданий марказида тожик ва ўзбек адабий алоқалари доирасида ташкил этилган «Абдураҳмон Жомийнинг ижод олами», «Ўзбекистон ва Тожикистон адабий алоқалари: кеча, бугун ва эртага» каби анжуманларда фойдаланилган (Республика Тожик миллий маданий марказининг 2019 йил 5 сентябрдаги 01-64-сонли маълумотномаси). Натижада Ўзбекистон ва Тожикистон мамлакатларининг икки томонлама маданий, илмий, маънавий-таълимий ва адабий муносабатларини чуқурлаштиришга эришилган;

темурийлар давридаги мумтоз поэтика тараққиёти, аруз илми ривожи, аруз назариясининг форс-тожик ва ўзбек адабиётидаги ўрни, ўзбек замини уламолари томонидан араб, форс-тожик ва ўзбек арузларининг ривожлантирилиши ҳақидаги ахборотлардан Афғонистон Ислом Республикаси Балх давлат университети ўзбек адабиёти мутахассислиги бўйича таълим олаётган талабаларда зарур билим, малака ва кўникмаларни

шакллантириш ҳамда ўзбек филологияси йўналишида таълим мазмунини такомиллаштириш учун фойдаланилган (Балх давлат университетининг 2019 йил 24 августдаги 2-229 рақамли далолатномаси). Натижада Балх давлат университетида «Ўзбек адабиёти тарихи», «Адабиёт назарияси», «Навоийшунослик», «Аруз» каби бир қатор курслар бўйича дарслар ташкил қилиш, соҳага оид дарслик, ўқув қўлланмалари ва методик кўрсатмаларни мақсадли ишлаб чиқиш билан боғлиқ ишлар такомиллашган;

Шайх Аҳмад Тарозий, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг арузга доир асарлари билан боғлиқ материаллардан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «O‘zbekiston» телеканалида туркум кўрсатувлар сценарийларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг 2019 йил 11 июндаги 02-13-1024-сонли маълумотномаси). Натижада, телекўрсатувларнинг сифати ошган, аждодларимизнинг миллий маънавиятимизни шакллантиришдаги ўрни, уларнинг жаҳон тамаддуни ва маданиятига қўшган ҳиссаларини англаш ҳамда идрок этиш кучайган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 12 та халқаро ва 12 та Республика илмий конференцияларида апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 51 та илмий иш эълон қилинган. Шулардан 1 та монография, 2 та ўқув қўлланма, битта ўрта асрлар аруз рисоласининг илмий таржимаси, 47 та илмий мақола, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, хорижий журнал ва тўпламларда 11 та мақола нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўрт боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат бўлиб, ишнинг умумий ҳажми 249 саҳифани ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, зарурати, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети, фан ва технологиялар ривожининг устувор йўналишларига мослиги, хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи асосланиб, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари, ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий этилиши, апробацияси, эълон қилинган ишлар ва тадқиқот тузилиши кўрсатилган.

Диссертациянинг «**Темурийлар даври арузшунослигининг илмий таҳлили ва назарий асослари**» деб номланган биринчи бобида темурийлар даврида яратилган арузга доир рисолалар, уларнинг ўзига хос хусусиятлари таҳлил этилиб, назарий асослари ҳақида фикр юритилади. Бобнинг «*Темурийлар даври арузшунослиги ва унинг илмий таҳлили*» деб аталган дастлабки фаслида ушбу давр рисолаларига оид тадқиқотлар тавсифи

келтирилган. Маълумки, мамлакатимиз тарихида темурийлар даври Ренессанс, яъни Уйғониш даври сифатида баҳоланади. Бу даврда илм-фан, маданият, меъморчилик, тасвирий санъат, мусиқа ва шеърият, шунингдек, савдо-сотиқ юксак даражага кўтарилгани бугун жаҳон жамоатчилиги томонидан эътироф этилмоқда. Айнан шу даврда арузшуносликда ягона асосга таянган икки миллий арузшунослик назариялари, яъни форс-тожик арузи назарияси ва ўзбек арузи назарияси вужудга келди ҳамда ривожланди. Ушбу аруз назарияларининг бир муҳитда, бир маданий ҳудудда яратилиши уларнинг илдизлари бир эканидан далолат берибгина қолмай, балки миллий негизда махсус соҳа сифатида ажралиб чиқишида темурийлар даврининг ўзига хос таъсири ва шарт-шароитлари муҳим омил бўлганини намоён этади.

Темурийлар даври арузшунослиги Шайх Аҳмад Тарозийнинг «Фунун ул-балоға», Алишер Навоийнинг «Мезон ул-авзон», Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Аруз рисоласи», Абдураҳмон Жомийнинг «Рисолаи аруз», Атоуллоҳ Ҳусайнийнинг «Бадойиъ ус-санойиъ» ва Сайфий Бухорийнинг «Арузи Сайфий» рисолаларида акс этган назарий қарашлар тизимини ўз ичига олади.

Бу даврдаги арузшунослик тарихини ўрганиш ўша даврлардаёқ бошланган дейилса, муболаға бўлмайди. Алишер Навоийнинг Абдураҳмон Жомий «Рисолаи аруз»ини ўрганиб, назарий жиҳатдан унга таянгани, Бобурнинг Алишер Навоий, Атоуллоҳ Ҳусайний ва Сайфий Бухорий рисолаларига берган таърифлари, Хондамирнинг «Макорим ул-ахлоқ»да «Мезон ул-авзон» ҳақидаги фикрлари асосида темурийлар даври арузшунослиги ўз давридаёқ муайян баҳосини олган эди, дейиш мумкин.

XVIII асрда бобурийлар сулоласидан бўлган Мирза Алибахт Азфарий Бобурнинг «Аруз рисоласи»ни «Аруззода» номи билан форс тилига назм ва насрда таржима қилади (Асарнинг 1836 йили котиб Маҳмудали Саъид кўчирган нусхаси Мадрас давлат шарқ қўлёзмалари кутубхонасида сақланади)[7].

XIX асрда Мунис Хоразмий Алишер Навоийнинг «Мезон ул-авзон» рисоласини китобат қилгани[8], кейинроқ Зокиржон Фурқатнинг ушбу асарни ихчам конспект тарзида кўчириб чиқиб, «Илми шеърнинг қоидаи авзонини баёни» номи билан тошбосмада нашр этишни ният қилгани арузшуносликка муносабат кейинги даврларда ҳам пасаймаганини кўрсатади[9].

Диссертацияда темурийлар даври арузшунослигининг илмий таҳлили икки йўналишда амалга оширилди: 1) арузшуносликнинг юртимизда ўрганилиши; 2) давр рисолаларининг қардош ва хорижлик олимлар томонидан тадқиқ этилиши. Дастлабки йўналишда ўзбек олимлари Фитрат, И.Султон, С.Мирзаев, С.Ҳасанов, А.Ҳожиаҳмедовларнинг ушбу давр рисолаларига доир тадқиқот ва мақолалари ўрганилган бўлса, иккинчи йўналишда тожик олимлари Р.Мусулмонқулов, У.Тоиров, хорижлик

[7] Бу ҳақда қаранг: Ҳасанов С. Бобирнинг «Аруз рисоласи» асари. – Т.: Фан, 1981. – Б. 7.
[8] Султонов И. Навоийнинг «Мезон ул-авзон»и ва унинг критик тексти. Номз. ... дисс. – Т., 1947.
[9] Қаранг: Юсупова Д. Фурқатнинг «Илми шеър қоидаи авзонини баёни» дастхати // Шарқ юлдузи. – Тошкент, 2010. – № 4. – Б. 85.

олимлардан Ҳ.Блошман, Д. де Уис, А.Шчербак ҳамда И.Стеблеванинг тадқиқот ва мақолалари таҳлил этилди.

Ушбу таҳлиллар асосида «Фунун ул-балоға» асарининг туркий шеършунослик шаклланиши ва ривожидаги ўрни, арузшуносликдаги бошқа манбалар билан муносабати шу пайтгача етарли даражада тадқиқ этилмагани; замонавий шеършуносликда Атоуллоҳ Ҳусайнийнинг «Бадойиъ ус-санойиъ» асари илми бадиъ нуқтаи назаридан чуқур тадқиқ қилингани ҳолда унинг «Муқаддима»сида келтирилган аруз илми билан боғлиқ илмий-назарий қарашлари етарлича ўрганилмагани; туркий рисолалар, хусусан, Алишер Навоийнинг «Мезон ул-авзон» асари бўйича яратилган тадқиқотларда олимлар рисолани форсий арузга доир бошқа рисолалар билан қиёсламагани учун арузшуносликда баъзи янглиш хулосалар келиб чиққани маълум бўлади.

Бобнинг иккинчи фасли «*Рисолалар учун асос бўлган назарий манбалар*» деб номланади. Ўрта асрларга келиб, арузшунослик кўплаб ютуқларга эришди: янги баҳрлар, доиралар, вазнлар кашф этилди, аруз илмига янги тушунча ва истилоҳлар олиб кирилди. Араб, форс ва туркий тилларда бу илмнинг моҳиятини очиб беришга қаратилган кўплаб рисолалар яратилди. Ушбу рисолаларда Халил ибн Аҳмад томонидан бир тизимга келтирилган аруз илми назарий жиҳатдан мукаммаллашган ва кенгайтирилган бўлса-да, муаллифлар камтарлик юзасидан ўз рисолаларини устозлари Халил ибн Аҳмад асарининг баёни ёки шарҳи деб таъкидлаган. Хусусан, «Меъёр ул-ашъор»нинг муаллифи Насируддин Тусий шундай ёзди: «Арузийларнинг одатича, ҳар бир вазнни тушунтиришда мисол тариқасида байт берадилар. Ва араб арузидан айнан Халил ибн Аҳмад изоҳлаган байтни келтирадилар. Шу сабабли биз ҳам ушбу байтларни айнан ўзгаришсиз келтирамиз ва у (Халил ибн Аҳмад)нинг зиҳофларини қисқартирилган ҳолда берамиз... Биз ишни Тавил баҳрини таҳлил қилишдан бошлаймиз, зеро, Халил ибн Аҳмад шу йўлдан борган ва бошқалар ҳам унга эргашган эдилар»[10]. Ушбу фикрлардан кўринадики, Халил ибн Аҳмаддан кейин яратилган арабий ва форсий манбаларнинг аксариятида «араб филологиясининг отаси»га эргашиш бор.

Темурийлар даврига келиб яратилган рисолаларда эса энди бевосита Халил ибн Аҳмадга эмас, унинг издошлари асарларига суяниш тамойили бошланади. Ҳар бир муаллиф ўзи истифода этган манбаларни кўрсатиш асносида муайян тарзда аруз тизимига ўз ёндашувини ҳам келтириб ўтади. Шу маънода, ушбу давр арузшунослигида қайд этилган манбаларни қиёсан ўрганиш ва тадқиқ қилиш мумтоз олимларимизнинг ушбу илмдаги издошлик ва новаторликларини аниқлаш имконини беради.

Шундан келиб чиқиб, ушбу фаслда темурийлар даври адабиёти ва адабий тафаккури тараққиётига муайян жиҳати билан тааллуқли бўлган араб ва форс-тожик тилидаги манбалар: Маҳмуд Замахшарийнинг «Ал-қистос»,

[10] Насируддини Тўсий. Меъёр-ул-ашъор / Ҳозиркунандаҳои чоп У.Тоиров, М.Абдуллоев, Р.Чалол. – Душанбе: Ориёно, 1992. – С. 52-53.

Абу Жайш Андалусийнинг «Арузи Андалусий», Шамс Қайс Розийнинг «Ал-мўъжам», Насируддин Тусийнинг «Меъёр ул-ашъор» рисолаларида[11] арузшунослик тараққиёти омилларини асослаш, шу билан бирга, ушбу манбаларнинг темурийлар даври арузшунослиги учун қай даражада назарий асос бўлиб хизмат қилганини аниқлаш мақсад қилиб олинди. Арузшуносликда ҳалигача ушбу рисолаларнинг ўзидан кейинги рисолаларга таъсири масалалари ўзаро қиёсий жиҳатдан ўрганилмагани мазкур рисолалар тадқиқининг заруратини оширади.

Даставвал ишда Маҳмуд Замахшарийнинг «Ал-қистос» («Аруз илмига доир ҳақиқий мезон»**)** рисоласи тадқиқ этилган бўлиб, асардаги зиҳоф, баҳр ва доира билан боғлиқ фаслларни ўрганиш асносида зиҳофларга муносабат, баҳрлар таснифи билан боғлиқ ўринлар кейинчалик темурийлар давридаги туркий рисолалар: Шайх Аҳмад Тарозийнинг «Фунун ул-балоға», Бобурнинг «Аруз рисоласи»да анъанавийлик касб этгани кузатилди ва «Фунун ул-балоға»даги баҳрларни *муттафиқ ул-ажзо* ҳамда *мухталиф ул-ажзо*га ажратиш тамойили айнан «Ал-қистос»дан олингани асосланди.

Туркий арузшунослик, хусусан, Шайх Аҳмад Тарозий рисоласи учун назарий асос вазифасини ўтаган яна бир араб тилидаги манба «*Арузи Андалусий*» бўлиб, бу манба ҳам замонавий арузшуносликда махсус тадқиқ этилмаган, ҳатто шу кунгача ўзбек олимлари томонидан муаллифи номаълум асар сифатида тилга олиб келинар эди[12]. Аслида «Арузи Андалусий» араб олими Абу Жайш ал-Ансорий ал-Мағрибий Андалусий (ваф. 1229) қаламига мансуб бўлиб, мухтасар услубда шеърий йўлда ёзилган. Асарга кўплаб шарҳлар битилган. Улардан энг дастлабкиси ва нисбатан мукаммали фақиҳ Абдулмуҳсин бин Муҳаммад ал-Қайсарий ал-Румий (ваф. 761/1360) томонидан амалга оширилган бўлиб, асарнинг қўлёзма нусхаси Саудия Қироллиги университети кутубхонасида сақланади. Ушбу шарҳ Абдулҳодий Абдураҳмон ал-Шовий томонидан батафсил изоҳлар билан 2017 йилда эълон қилинган[13]. Диссертацияда мазкур асар «Фунун ул-балоға» билан қиёсланиб, «Арузи Андалусий»да келтирилган аслий рукнлар таркибининг изоҳи, зиҳофлар номи ва моҳияти билан боғлиқ ўринларда Шайх Аҳмад Тарозий андалусиялик салафи Абу Жайш ал-Ансорий рисоласига таянганлиги аниқланди ва ушбу муштаракликлар мисоллар асосида таҳлил қилинди.

Бу давр арузшунослиги учун назарий асос сифатида хизмат қилган ва алоҳида ўринга эга бўлган манбалардан яна бири Шамс Қайс Розийнинг

---

[11] Таъкидлаш зарурки, бу даврда яратилган рисолалар учун муаллифлар бевосита тилга олмаган асарлар ҳам асос бўлган бўлиши табиий. Шунингдек, бир адабий муҳитда яратилган рисола иккинчиси учун манба бўлганлиги ҳам кузатилади (масалан, Навоийнинг «Мезон ул-авзон»и учун Жомийнинг «Рисолаи аруз» асари таянч манба бўлган ва бошқалар). Биз бу ўринда, асосан, муаллифлар ўзлари кўрсатиб ўтган асарларгагина тўхталиб ўтамиз.

[12] Бу ҳақда қаранг: Ҳайитметов А. Адабиётдан туркийда биринчи назарий қўлланма // Ўзбек тили ва адабиёти, 2002. – № 1. – Б. 70-73; Болтабоев Ҳ. Шарқ мумтоз поэтикаси. Манба ва талқинлар. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. – Б. 383.

[13] Абдулҳодий Абдураҳмон ал-Шовий. Абу Ал-Жайш ал-Ансорий Андалусийнинг «Арузи Андалусий» асарига Абдулмуҳсин ал-Қайсарий шарҳи тадқиқи. – Куфа университети журнали, 2017. – № 45. – С. 149-206 (араб тилида).

«Ал-мўъжам» асари бўлиб[14], рисолада келтирилган жузвлар талқини, баҳр ва доиралар билан боғлиқ ўринларда мумтоз олимларимиз ушбу манбага таянганлар. Абдураҳмон Жомий, Сайфий Бухорий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўз рисолаларида Шамс Қайс келтирган байтлардан мисол сифатида фойдаланганлар. Диссертацияда ушбу мисоллар қиёсий аспектда таҳлил қилинган.

Яна бир форсий арузшунос Насируддин Тусийнинг «Меъёр ул-ашъор» асари ўзидан кейин яратилган форсий ва туркий шеършуносликка доир рисолалар: «Рисолаи аруз», «Мезон ул-авзон», «Бадойиъ ус-санойиъ» ва «Аруз рисола»си учун назарий асос вазифасини ўтаган. Олимлар фосила билан боғлиқ ўринлар, зиҳофлар таснифи, *мақлуби тавил* (*ариз*) баҳрига доир ёндашувлардан кейинчалик ўз рисолаларида фойдаланганлар. Бундан маълум бўладики, туркий аруз учун фақат форсий манбалар эмас, балки бевосита араб тилидаги манбалар ҳам назарий асос вазифасини ўтаган.

Диссертациянинг **«Темурийлар давридаги рисолаларда жузв, рукн ва зиҳоф талқини»** деб номланган иккинчи боби аруз тизимидаги асосий ритмик бирликлар: жузв, рукн ва зиҳофларнинг темурийлар даврида яратилган рисолалардаги қиёсий талқинига бағишланди. Маълумки, аруз назарияси шеърнинг ички қурилиши тўғрисидаги просодик ва лингвопоэтик илмлар мажмуи бўлиб, мумтоз рисолаларда арузий шеър унсурлари сифатида жузв, рукн, зиҳоф каби ритмик бирликлар талқин қилинган. Мумтоз арузшунослар ушбу унсурлар таҳлилида Халил ибн Аҳмад таълимотига суянган ҳолда айрим ўринларда унга ўзгартиришлар киритганлар ва шу билан муайян маънода ўз ёндашувларини кўрсатиб ўтганлар. Ушбу талқинларнинг ўзаро қиёси ҳар бир арузшуноснинг аруз назариясига қўшган ҳиссасини аниқлашга ёрдам беради.

Қиёсий таҳлилни асосан бадиий матнлар мисолида тадқиқ қилган олим Д.Дюришин қиёслаш доирасини кенгайтириш зарурлигини таъкидлар экан, «...муштарак ва фарқли жиҳатлар қиёси фақат адабий йўналишлар, жанрлар ва жанр кўринишлари доирасида эмас, балки бадиий асарнинг бошқа таркибий қисмлари: ғоявий-психологик йўналиш, персонажлар тавсифи, композиция ва сюжет қурилиши, мотивлар, образлар тизими, бадиий тасвир воситалари, метрик унсурлар ва бошқаларни ҳам назарда тутган ҳолда амалга оширилиши зарур», деб ёзади[15]. Олимнинг ушбу фикри арузий бирликлар учун ҳам тааллуқли бўлиб, шу асосда диссертацияда қиёсий таҳлил масалалари *жузв, рукн, зиҳоф, баҳр, вазн, доира* ва *рубоий вазнлари* доирасида амалга оширилди.

---

[14] Асар юзасидан олиб борилган тадқиқотлар ҳақида қаранг: Чалисова Н.Ю. Персидская поэзия на весах поэтики // Шамс Кайс Рази. Свод правил персидской поэзии. – М.: Восточная литература. 1997; Тўйчиева Г. Форс арузи рисолалари. – Тошкент, 2008. – Б.78–79; Мусульманкулов Р. Персидско-таджикская классическая поэтика (X-XVвв.). – М.: Наука, 1989; Тоиров У. Становление и развитие аруза в теории и практике персидско-таджикской поэзии: Автореф. дис. ... докт. филол. наук. – Душанбе, 1997: Юсупова Д. Сравнительный анализ ранних трактатов об арузе на персидском и тюркском языках / Наука вчера, сегодня, завтра (Сб. ст. по материалам VIII междунар. науч.-практ. конф.) № 1 (8). Новосибирск: СибАК, 2014. – С. 66-72.

[15] Дюришин Д. Теория сравнительного изучения литературы. – М.: Прогресс, 1979. – С. 183.

Бобнинг дастлабки фасли «*Жузв – аруз тизимидаги энг кичик ритмик бирлик сифатида*» деб номланган. Маълумки, жузв (ар. جزو – бўлак, қисм, парча) – мутаҳаррик ва сокин ҳарфларнинг муайян тартибда бирикишидан ҳосил бўлиб, аруз назариясидаги энг кичик ритмик бўлак ҳисобланади. Темурийлар даври арузшунослари ўз рисолаларида арузнинг назарий масалаларини ёритишни жузвлар тавсифидан бошлаган. Жузв тушунчаси барча ижодкорларда арузнинг асосий назарий бирлиги сифатида келтирилсада, истилоҳ номида фарқлар кузатилади. Бу тушунча «Фунун ул-балоға»да *асл*, «Рисолаи аруз», «Мезон ул-авзон», «Бадойиъ ус-санойиъ» ва «Арузи Сайфий»да *рукн*, «Аруз рисоласи»да *жузв* тарзида келтирилади.

Шайх Аҳмад Тарозий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий жузвлар сонини умумий тарзда олтита деб келтирадилар ва фосила билан боғлиқ ихтилофли масалаларга тўхталиб ўтирмайдилар. Бобур эса сабаб ва ватаднинг уч турли бўлишини инкор қилмаган ҳолда, фосилани жузв сифатида эътиборга молик эмас деб ҳисоблайди ва бунда «Меъёр ул-ашъор» муаллифи Насируддин Тусийнинг фикрини қувватлайди. Унинг фикрича, анъанавий жузвларга қўшимча тарзда сабабнинг учинчи турига *сабаби мутавасситни,* ватадга *ватади касрат*ни ҳам киритиш мумкин[16]. Бу жиҳатдан Бобурнинг рисоласи ушбу масалага махсус тўхталиб ўтилган темурийлар давридаги ягона асар ҳисобланади. Диссертацияда бу ўринда даставвал *сабаби мутавассит* ҳақида фикр юритилиб, сабабнинг ушбу тури бир мутаҳаррик ва икки сокин ҳарфдан ташкил топиши ва замонавий арузшуносликда ўта чўзиқ ҳижо (~)га тенг ҳисобланиши асосланган. Масалан, *дор, бор, қанд, айт, қайт* ва бошқалар. Бундай жузв фақат байтнинг охирги рукнида, яъни аруз ва зарбда қўлланилади. *Ватади касрат* эса икки мутаҳаррик ва икки сокин ҳарфдан иборат бўлади ва замонавий арузшуносликда бир қисқа ва бир ўта чўзиқ ҳижо (V ~) га тенг ҳисобланади[17]. Масалан, *нишон, ниҳон, дарахт, карахт* ва бошқалар. Бобур ўз рисоласида қуйидаги байтни келтириб, ушбу жузвларни қўллашга зарурат борлигини асослайди:

«*Туро лаъл шакаррез, маро чашм гўҳарбор,*
Туро ханда бувад хўй, маро гиръя бувад кор.

Бу байтнинг ҳашвида ва арузида *шакаррез* ва *гўҳарбор* лафзи мафоъийл вазнида воқиъ бўлубтурким, мақсур бўлғай. Бу икки сокини мутаволи мўътабардур. Бас бу икки жузвни учар эътибор қилмоқнинг важҳи бор»[18]. Дарҳақиқат, байтда келтирилган *лаъл, чашм, гўҳарбор, хўй, кор* каби сўзларни *сабаб* ва *ватад*нинг Бобургача келтирилган турлари: сабаби хафиф ва сабаби сақил ҳамда ватади мажмуъ ва ватади мафруқда ифодалашнинг имкони йўқ.

Атоуллоҳ Ҳусайний ҳам Бобур сингари жузвлар қаторига фақат сабаб ва ватадни киритади, фосилани алоҳида жузв сифатида эътироф этмайди.

---

[16] Бобир Заҳириддин. Мухтасар / Нашрга тайёрловчи С.Ҳасанов. – Т.: Фан, 1971. – Б. 17.

[17] У.Тоировнинг «Фарҳанги истилоҳоти арўзи Ачам» луғатида *ватади касрат ватади мажму*ънинг яна бир номи деган янглиш фикр келтирилган (Қаранг: Тоиров У. Фарҳанги истилоҳоти арўзи Ачам. – Душанбе: Маориф, 1991. – С. 57).

[18] Бобир Заҳириддин. Юқоридаги манба. – Б. 17-18.

Сайфий Бухорийнинг бу масалага муносабати очиқ кўринмайди: у фосилани аруз илми учун аҳамиятсиз деб ҳисобласа-да, лекин рисолада уни жузвлар қаторида санаб ўтади. Тадқиқ этилаётган рисолалардан фақат «Арузи Сайфий»да жузвларнинг луғавий маъноларига ҳам тўхталиб ўтилган: «Ва байтни уйга қиёслар эканлар, араб кўчманчиларининг уйи арқон, қозиқ, устун ва палосдан иборат, араб тилида *сабаб* – арқон, *ватад* – қозиқ, *фосила* – чодирнинг устуни маъноларини билдиради, байтнинг қисмларини айнан уйнинг бўлаклари билан атадилар»[19]. Шунингдек, Сайфий байтнинг жузвлари ва уйнинг қисмлари билан боғлиқ ўхшашликларни ҳам топишга интилади: «Икки ҳарфли жузвни сабаб деб, уч ҳарфли жузвни ватад деб, тўрт ҳарфли жузвни фосила деб ва беш ҳарфли жузвни *фозила*[20] деб атадилар, чунки икки ҳарфли сўз уч ҳарфли сўздан кўра кучсизроқ, уч ҳарфли сўз эса тўрт ҳарфлидан заифроқ, худди арқон қозиқдан, қозиқ эса устундан кучсиз бўлгани каби»[21]. Диссертацияда бу ҳолат бевосита рисоланинг қўлланма йўналишида эканлиги билан боғлиқ ҳолда таҳлил қилинди.

Жузвлардан ҳосил бўлувчи аслий рукнлар талқинида рисолаларда деярли фарқлар кузатилмайди. Барча рисолаларда аслий рукнлар сони асосан 8 та деб кўрсатилади. Фақат «Фунун ул-балоға» муаллифи ушбу рукнларни таркиби бўйича *қариндошлик* ва *бегоналик* нуқтаи назаридан таҳлил қиладики, бундай тасниф бошқа рисолаларда учрамайди. Олимнинг фикрича, саккиз рукндан еттитаси ўзаро қариндошлик жиҳатидан бирлашади. Хусусан, фаувлун ва фоилун (ҳар иккиси бир сабаби хафиф ва ватади мажмуъдан таркиб топган), фоилотун, мафоийлун ва мустафъилун (икки сабаби хафиф ва бир ватади мажмуъдан таркиб топган) ҳамда мафоилатун ва мутафоилун (ватади мажмуъ ва фосилаи суғро каби жузвлардан таркиб топган) ўзаро ухти (опа-сингил) рукнлардир. Фақатгина сўнгги, яъни саккизинчи рукн ҳисобланмиш *мафъувлоту* ёлғиз бўлиб, унинг қариндоши йўқ, чунки фақат угина икки сабаби хафиф билан ватади мафруқдан иборат.

Бобнинг иккинчи фасли «*Рисолалардаги зиҳофга доир талқинлар қиёси*» деб номланган. Маълумки, аруз тизимида аслий рукнлар таркибида содир бўладиган турли ўзгаришлар *зиҳоф* номи остида юритилади. Бундай ўзгаришлар аслий рукнлардаги баъзи ҳижоларни ташлаб юбориш, қисқартириш, тўлдириш орқали амалга оширилади. Ҳосил қилинган бўлак *фуруъ* (тармоқ рукн) деб аталади. Темурийлар давридаги арузга доир рисолаларда зиҳофлар миқдори ва талқинида фарқлар кузатилади. «Фунун ул-балоға»да аввал зиҳофларнинг умумий таърифи, кейин ҳар бир рукнга мансуб зиҳоф тавсифи келтирилган. «Рисолаи аруз»да ҳам, «Мезон ул-авзон»да ҳам фақат 5 та аслий рукнларга мансуб зиҳофлар таърифи берилади, иккала муаллиф ҳам араб арузига хос бўлган рукнларга

[19] Сайфий. Арузи Сайфий / Нашрга тайёрловчи Ҳ.Блошман. – Калькутта, 1872. – С. 9 (форс тилида).

[20] *Фозила* – баъзи арузшуносларнинг фикрига кўра, яна бир жузв номи. Икки турга бўлинади: 1) фозилаи суғро – беш мутаҳаррик ва бир сокин ҳарфдан иборат жузв бўлиб, замонавий арузшуносликда тўрт қисқа бир чўзиқ ҳижо (VV VV –)ни ифодалайди; 2) фозилаи кубро – олти мутаҳаррик ва бир сокин ҳарфдан иборат жузв бўлиб, замонавий арузшуносликда беш қисқа, бир чўзиқ ҳижо (VVVVV –)ни ифодалайди (Бу ҳақда қаранг: Тоиров У. Фарҳанги истилоҳоти арўзи Ачам. – Душанбе: Маориф, 1991. – С. 418.)

[21] Сайфий. Юқоридаги асар. – С. 10 (форс тилида).

тўхталмайди. Атоуллоҳ Ҳусайний зиҳофларни изоҳлашда уларни араб арузига хос (28 та), ажам арузига хос (11 та) зиҳофларга ажратади. «Арузи Сайфий»да зиҳофларга бағишланган махсус фасл йўқ: Сайфий баҳрлар ва вазнларни тушунтириш асносидагина зиҳофларга мурожаат қилган. Бобур аввал зиҳофларнинг пайдо бўлиш усулларини тушунтиради, кейин ҳар бир аслий рукнга мос зиҳоф ва фуруъларнинг номларини келтириб ўтади. У зиҳофларнинг муфрад ёки мураккаб бўлишини таъкидлайди: «Билгилким, ҳар тағайюрким усулға кирар, ани зиҳоф дерлар. Ул рукни муғаййарни музоҳафу фуруъ дерлар. Бу тағайюр ё муфрад бўлур, ё мураккаб. Муфрад улдурким, бир рукнда бир навъ тағаййюрдин кўпрак воқиъ бўлмағай. Мураккаб улдурким, бир навъдин зиёда бўлғай»[22].

Диссертацияда Бобурнинг ушбу таснифи ислоҳ қилиниб, зиҳофлар улардаги ўзгаришлар асосида учга бўлиб таҳлил қилинди[23]:

1. Муфрад зиҳофлар – фақат бир амал билан ўзгаришга учрайдиган зиҳофлар. Буларга *қабз, қаср, ҳазф, салм, қатъ, хабн, кафф, харм, ҳазаз, ташъис, тасбиғ, тазйил, тайй, асб, тарфил, измор, вақф, кашф, ссалм, жабб, рафъ, жазм, ғазб* киради[24].

2. Мураккаб зиҳофлар – икки амал билан ўзгаришга учрайдиган зиҳофлар. Булар *сарм, харб, шатр, ҳажф (жаҳф), шакл, кабл, хабл, ақл, нақс, қатф, хазл, вақс, ҳатм, батр, рабъ, тахлиъ, жадъ, қасм* зиҳофларидир.

3. Ўта мураккаб зиҳофлар – уч амал билан ўзгаришга учрайдиган зиҳофлар, бундай зиҳофлар мураккаб зиҳофнинг муфрад зиҳоф билан бирикувидан ҳосил бўлади. Буларга *залал, жамм, наҳр, ақс* киради. Ўрни билан ушбу зиҳофлар ўз ичида яна иккига бўлиб тасниф қилинди: 1) мисралар боши ва ўртасида қўлланиладиган зиҳофлар; 2) мисра охирида қўлланиладиган зиҳофлар. Темурийлар даври арузшунослигида жами 45 та зиҳоф қўлланилган бўлиб, улардан 23 таси муфрад, 18 таси мураккаб ва 4 таси ўта мураккаб зиҳофлардир, ушбу зиҳофларнинг 44 таси Бобурнинг «Аруз рисоласи»да келтирилган[25].

Диссертациянинг учинчи боби «**Баҳрлар ва улардан ҳосил бўлувчи вазнлар қиёси**»га бағишланган. Бобнинг «*Баҳрлар таснифи. Муттафиқ ул-аркон гуруҳига оид баҳрлар*» деб аталган биринчи фаслида баҳрларнинг арузшунослик тарихидаги ўрнига тўхталиниб, улар иккита катта гуруҳга ажратилди ва биринчи гуруҳ – бир хил аслий рукнлардан таркиб топган баҳрлар тадқиқ этилди. Маълумки, аруз илмида рукнларнинг ўзаро

---

[22] Бобир Заҳириддин. Мухтасар / Нашрга тайёрловчи С.Ҳасанов. – Т.: Фан, 1971. – Б. 19.

[23] А.Жаъфар ўз тадқиқотида зиҳофларни бир неча йўл билан тасниф қилиш мумкинлигини таъкидлар экан, озарбайжон арузига доир зиҳофларни уч гуруҳга бўлиб таснифлайди: 1) содда зиҳофлар; 2) ёндош зиҳофлар ва 3) мураккаб зиҳофлар. Ушбу таснифда бир оз ноаниқлик бор. Биринчидан, ёндош зиҳофлар Тусий ёки Бобур таснифидаги мураккаб зиҳофларнинг ўзидир. Иккинчидан, А.Жаъфар *мураккаб зиҳоф* атамаси остида келтираётгани ўзгаришлар зиҳофларни эмас, балки фуруъ (тармоқ рукн)ларни билдиради (Чәфәр Ә. Әрузун нәзәри әсаслары вә Азәрбајчан әрузу. – Бакы: Елм, 1977. – Б. 109-112). Уларни бир-биридан фарқлаш лозим. Замонавий арузшуносликда бундай чалкашлик айрим ўринларда тожик арузшуноси У.Тоировда ҳам кузатилади (қаранг: Тоиров У. Фарҳанги истилоҳоти арўзи ажам. – Душанбе: Маориф, 1991).

[24] Зиҳофлар кетма-кетлиги «Фунун ул-балоға»даги тартиб асосида берилди.

[25] Бобурда фақат *тахлиъ* зиҳофи келтирилмаган бўлиб, Бобур *тахлиъ* моҳиятан *кабл*га яқин бўлганлиги учун уни алоҳида зиҳоф сифатида санамаган, чунки тахлиъ ҳам кабл сингари *қатъ* ва *хабн* амалларининг бирикувидан ҳосил бўлади.

бирлашувидан баҳрлар ҳосил бўлади. Халил ибн Аҳмад яратган аруз тизимида 15 та баҳр (*тавил, мадид, басит, вофир, комил, ҳазаж, ражаз, рамал, сариъ, мунсариҳ, музориъ, хафиф, муқтазаб, мужтасс* ва *мутақориб*) мавжуд эди, кейинчалик унинг издоши Абулҳасан Ахфаш Балхий ушбу баҳрлар қаторига яна бир баҳр (*мутадорик*)ни қўшиб, араб баҳрлари сонини 16 тага етказди. Бу кўрсаткич араб тилида ундан кейин яратилган манбалар: Маҳмуд Замахшарийнинг «Ал-қистос», Абу Зикриё Хатиб Табризийнинг «Ал-кафи фил аруз вал қавофий» ва бошқа асарларда айнан такрорланди. Форс арузшунослари Халил ибн Аҳмад таълимотини мукаммалаштириб, баҳрлар сонини кўпайтирдилар. Баҳром Сарахсий, Бузургмеҳр Қосимийлар арузнинг янги баҳрларини кашф этдилар. Бизгача етиб келган арузга доир илк форсий асар «Ал-мўъжам»да мавжуд 16 та баҳрга яна учта баҳр (*ғариб, қариб, мушокил*) қўшилиб, 19 та баҳр таҳлилга тортилгани ҳолда, рисолада форсий арузшунослар кашф қилган 21 мустаҳдас (янги) баҳрлар ҳақида ҳам айтиб ўтилади.

Насируддин Тусийнинг «Меъёр ул-ашъор» асарида 18 баҳр келтирилган бўлиб, унда аввалги рисолада тилга олинмаган *мақлуби тавил* баҳрининг берилиши ҳамда *мушокил* ва *ғариб* баҳрларининг тушириб қолдирилиши муаллифнинг ушбу масалага ўз салафидан фарқли муносабатда бўлганини кўрсатади.

Темурийлар даври арузшунослигида ҳам баҳрлар миқдорини келтиришда ҳар хилликлар бор. Шайх Аҳмад Тарозий ўз рисоласида баҳрлар сонини 40 та деб кўрсатса, Абдураҳмон Жомий, Атоуллоҳ Ҳусайний, Алишер Навоий ва Сайфий Бухорийлар баҳрлар миқдорини умумий маънода 19 та деб ҳисоблайдилар. Улар орасида Абдураҳмон Жомий масалага бир оз ўзгачароқ ёндашиб, «Рисолаи аруз»да 14 баҳрни мисоллар билан изоҳлайди, араб арузига хос бўлган *тавил, комил, басит, мадид, вофир* баҳрларига кенг тўхталиб ўтирмайди. Бобурнинг «Аруз рисоласи»да эса ушбу баҳрларга қўшимча равишда яна икки баҳр (*ариз* ва *амиқ*) тадқиқ қилинган. Мазкур рисолалардан фақат «Арузи Сайфий»да баҳрларнинг луғавий маънолари ҳам изоҳланадики, бу ҳол рисоланинг қўлланма характерида эканлиги билан боғлиқ.

Ушбу давр рисолалари орасида дастлаб «Фунун ул-балоға»да баҳрлар таснифига тўхталиб ўтилган. Шайх Аҳмад Тарозий баҳрларни икки катта гуруҳга ажратиб, тасниф қилади[26]:

1) ***муттафиқ ул-аркон*** – фақатгина бир аслий рукндан, яъни муаллиф таъбири билан айтганда, аркони солимадан ташкил топган баҳрлар. Масалан, *фаувлун* рукни байтда саккиз марта такрорланиб келса, бу айнан муттафиқ ул-арконга кирувчи мутақориб баҳридир.

2) ***мухталиф ул-аркон*** – турли аслий рукнларнинг такроридан ҳосил бўлган баҳрлар. Масалан, *фаувлун мафоийлун фаувлун мафоийлун.* Кўриб турибмизки, икки солим рукн ўзаро алмашиб, янги баҳрни ҳосил қилмоқда. Ишда даставвал Шайх Аҳмад Тарозий таснифидаги биринчи гуруҳ, яъни

[26] Бунда муаллиф Маҳмуд Замахшарийнинг «Ал-қистос» асарида келтирилган таснифдан фойдаланади.

муттафиқ ул-арконга мансуб баҳрлар тавсифига тўхталиб ўтилди. Тарозий мазкур гуруҳга *мутақориб, мутадорик, ҳазаж, рамал, ражаз, вофир, комил, сақил* каби баҳрларни киритган. Улар орасида сўнгги баҳр сифатида келтирилган *сақил* баҳри темурийлар давригача ва ундан кейинги рисолаларда учрамайди, шу маънода, ушбу баҳрни Шайх Аҳмад Тарозийнинг кашфиёти деб айтиш мумкин. Темурийлар давридаги қолган рисолаларда муттафиқ ул-аркон баҳрлари турли ўринларда, яъни доиралар таркиби асосида берилган. Муаллифларнинг баҳрлар таърифи ва тавсифига ёндашувлари ҳам бир-биридан фарқланади. Улар орасида фақат «Арузи Сайфий»дагина баҳрлар номининг луғавий ва истилоҳий маънолари, келиб чиқиши билан боғлиқ маълумотлар келтирилади. Атоуллоҳ Ҳусайнийда арузга доир фикрлар асар муқаддимасидан ўрин олгани учун баҳрлар тавсифи анча қисқа. Абдураҳмон Жомий эса баҳрларни изоҳлашда дастлаб солим рукнли вазнларга, сўнгра зиҳофга учраган вазнларга тўхталишни маъқул кўради. Алишер Навоийда аввал мусамман, сўнгра мусаддас ва мураббаъ рукнли вазнлар келтирилган, ўрни билан баъзан мутатаввал вазнларга ҳам тўхтаб ўтилган. Бобурнинг «Аруз рисоласи»да ҳам Тарозий сингари баҳрлар икки гуруҳга ажратилади, баҳрлардаги вазнларнинг ишлатилиш даражаси ва оҳанг имкониятларига ҳам эътибор қаратилиб, улар мустаъмал ва номустаъмал, матбуъ ва номатбуъга ажратилиб, тавсиф қилинади.

Бобнинг «*Мухталиф ул-аркон гуруҳига мансуб баҳрлар талқини*» деб номланган иккинчи фаслида турли аслий рукнларнинг такроридан ҳосил бўлувчи баҳрларга тўхталиб ўтилди. Шайх Аҳмад Тарозий бундай баҳрлар сонини 32 та деб кўрсатади. Баҳрларни кетма-кетликда келтирар экан, муаллиф бир нуқтага алоҳида урғу беради: «Ва шарт улдурким, ул икки жузвниким, таркиб этиб, баҳр қилурлар, бир-бирининг *ухти* (опа-сингил – Д.Ю.) керак. Агар бегона бўлса, бу тоифанинг қошинда раво эрмас» [27].

Бу ўринда шайх Аҳмад Тарозий эътибор қаратган асосий нуқта шуки, икки солим рукнни алмаштириб қўллаш натижасида мухталиф ул-арконга кирувчи бирор баҳр ҳосил қилинса, ундан кейинги баҳр унинг аксини такрорлаши лозим, агар бу шарт адо этилмаса, у баҳр сифатида тан олинмайди. Буни муаллиф мухталиф ул-арконнинг биринчи ва иккинчи баҳри сифатида келтирган баҳрларнинг рукнларига диққат қилиш орқали тушуниб олиш мумкин. Биринчи баҳр ***муқорин*** деб номланиб, тақтиъи қуйидагичадир: *фаувлун фоилун фаувлун фоилун*. Энди иккинчи баҳрга эътибор қаратамиз: бу баҳр ***мувофиқ*** деб аталиб, унинг тақтиъи *фоилун фаувлун фоилун фаувлун*дан иборат. Кўриб ўтилганидек, *муқорин* баҳридаги рукнларнинг ўрни алмашиниб такрорланса, *мувофиқ* баҳри ҳосил бўлади. Бу эса Шайх Аҳмад Тарозий таъкидлаганидек, ул икки жузвнинг *ухти*, яъни *опа-сингил* бўлаётганлигини билдиради. Шайх Аҳмад Тарозий келтираётган

[27] Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозий. Фунун ул-балоға (Бодлиан кутубхонасида сақланувчи Eliott №-127 рақамли қўлёзма). – С. 78.

мазкур шеърий вазн қонунияти манбаларимиз доирасида ундан аввалги ва ундан кейин битилган арузшуносликка доир рисолаларда учрамайди.

Муаллиф асарда ўзи таҳлил қилаётган қирқ баҳрнинг ўн олтитаси (*тавил, мадид, басит, вофир, комил, рамал, ражаз, ҳазаж, сариъ, мунсариҳ, хафиф, музориъ, муқтазаб, мужтасс, мутақориб, мутадорик)* илгари ҳам, яъни араб шеъриятида мавжуд бўлганини айтиб ўтади. Шунингдек, асардаги *жазил* (*мақлуби тавил*) баҳри Тусий рисоласида келтирилган. Бу эса қолган йигирма баҳрни муаллифнинг ўзи тартиб берганлиги билан боғлиқ фаразга олиб келади. Чунки бизгача етиб келган бошқа манбаларда таркибан бундай баҳрлар учрамайди. Шамс Қайс Розий асарида берилган мустаҳдас баҳрлар эса асосан мусаддас (олтилик) рукнли бўлиб, уларнинг номи ва таркиби ҳақида диссертацияда маълумот бериб ўтилди.

Ушбу давр рисолаларида арузнинг назарий асослари баён қилиб берилиши билан бирга мазкур илмда санъат даражасига кўтарилган истилоҳлар ҳақида ҳам сўз боради. Шундай истилоҳлардан бири *муталаввун* бўлиб, у ҳақда «Фунун ул-балоға», «Бадойиъ ус-санойиъ» ҳамда Бобурнинг «Аруз рисоласи» да маълумотлар келтирилган. «Муталаввун» (*талаввун, зулбуҳур*) арабча сўз бўлиб, «ранг-баранг», «турланувчи» маъноларини ифодалайди. Истилоҳ сифатида эса шеърни бир неча вазнда ўқиш санъати назарда тутилади. Бунга байт таркибидаги унлиларни чўзиб ёки қисқа талаффуз этиш, ҳижоларни ажратиб ёки қўшиб ўқиш орқали эришилади. Рашидиддин Ватвотнинг «Ҳадойиқ ус-сеҳр фи дақойиқ уш-шеър» асарида маълумот берилишича, Аҳмад Маншурий Самарқандийнинг «Канз ул-ғаройиб» («Ажойиботлар хазинаси») асаридаги ҳар бир байтни уч вазнда ўқиш мумкин бўлган[28]. Шунингдек, форс-тожик классиклари Саъдий Шерозий, Ҳофиз Шерозий, Сайидо Насафий, Абдураҳмон Жомийларнинг баъзи ғазаллари икки баҳр доирасида ёзилган [29].

Темурийлар даври арузшунослигида муталаввун санъати ҳақида илк маълумот берувчи асар «Фунун ул-балоға» бўлиб, муаллиф бу санъатга рисоланинг илми бадиъ билан боғлиқ қисмида тўхталиб ўтади. Унда айтилишича, «бу анингтек бўлурким, шеъре айтурларким, икки вазн бирла ўқуса бўлур». Муаллиф ушбу санъат далили учун

Юзунгни кўрголи ҳаргиз кўнгулда қолмади ҳасрат
Сўзунгни эшголи бори танимда қолмади меҳнат, –

байтини келтириб, уни *ҳазажи мусаммани солим* ва *мужтасси мусаммани махбун* вазнларига солиб ўқиш мумкинлигини айтади[30].

Бобур ҳам «Аруз рисоласи»да муталаввун санъати ҳақида гапириб, ўзининг

Қошиға борғали кўнгул ўзига келмади нетай,
Юзини кўргали кўзум кўзига илмади ул ой –

---

[28] Рашидаддини Ватвот. Ҳадоиқ ус-сеҳр фи дақоиқ аш-шеър. – Душанбе: Ирфон, 1987. – С. 105.
[29] Қаранг: Тоиров У. Фарҳанги истилоҳоти арўзи Ачам. – Душанбе: Маориф, 1991. – С. 285-286.
[30] Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозий. Фунун ул-балоға (Бодлиан кутубхонасида сақланувчи Eliott №-127 рақамли қўлёзма). – С. 58.

байтини келтиради ва ушбу байтни аруз тизимидаги барча баҳрларга мослаб ўқиш мумкинлиги ҳақида сўз юритади[31].

Юқорида келтирилган фикрлар муталаввун санъатининг урғу билан алоқадор ҳодиса эканини кўрсатади. Агар бу ҳодисанинг аруз илми билан боғлиқлиги назарда тутилса, аруз тизимининг ҳам урғу асосидаги таълимот экани ойдинлашади. Чунки муталаввун асосида яратилган байт таркибидаги ҳижолар урғу асосида ўқилсагина, бир неча вазн ҳақида фикр юритиш мумкин бўлади. Шу муносабат билан диссертацияда арузий матнда етакчи бўлган рукн урғусини сўз (лексик) урғусидан фарқлаш зарурлиги асосланди.

Диссертациянинг тўртинчи боби «**Аруз доираларига оид қарашлар ва рубоий вазнларининг қиёсий таҳлили**» деб аталиб, уч фаслни ўз ичига олади. Унинг илк фасли «*Арузшунослик тарихида доира талқини: муштарак ва фарқли жиҳатлар*» деб номланган. Аруз доиралари рукнлар, улардаги чўзиқ ва қисқа ҳижолар сонининг тенглигига кўра ўзаро яқин бўлган баҳрларнинг гуруҳлаштирилган айланаси бўлиб, Халил ибн Аҳмад баҳрларнинг ўзлаштирилишини осонлаштириш мақсадида ушбу доираларни кашф қилган. Бунда бир-бирига яқин бўлган баҳрлар бир мисра шеър мисолида бир доира ичида келтирилади. Ҳар қайси доира қанча баҳрни ўз ичига олса, шунча бўлакка бўлинади ва уларда шу баҳрларнинг рукнлари ҳам келтириб ўтилади. Доира атрофида берилган мисра биринчи сўздан бошлаб ўқилса, бир баҳр; иккинчи сўздан бошлаб ўқилса, иккинчи баҳр, учинчи сўздан бошлаб ўқилса, учинчи баҳр ва шу тарзда нечта баҳр жамланган бўлса, барчаси келиб чиқади. Доиралардан мақсад баҳрлар орасидаги фарқ ва умумийликни очиш ҳамда уларни ўзлаштириш ва шеър вазнларини аниқлашни осонлаштиришдир.

Манбаларда Халил ибн Аҳмад бешта доира кашф этгани ҳақида маълумот берилади[32]. Таъкидланганидек, унинг арузга бағишланган асари бизгача етиб келмагани учун биз бу доиралар билан унинг издошлари асарлари орқали танишамиз. Жумладан, Маҳмуд Замахшарийнинг «Ал-қистос» ҳамда Хатиб Табризийнинг «Ал-кафий фил аруз фил-қавофий» асарларида бу доиралар ҳақида маълумот келтирилади[33]. Доираларнинг биринчиси «Доираи мухталифа» (*турли хил, ихтилофли*) деб номланиб, *тавил, мадид* ва *басит* баҳрларини ўз ичига олади. Шамс Қайс Розий «Ал-мўъжам»да араб арузига хос баҳрлардан тузилган ушбу доирани келтирмайди. Насируддин Тусий рисоласида бу доирага тавил, мадид ва

[31] Бобир Заҳириддин. Мухтасар / Нашрга тайёрловчи С.Ҳасанов. – Т.: Фан, 1971. – Б. 44. Бобурнинг ушбу байти Тарозий келтирган байтга мазмун ва шакл жиҳатидан жуда яқин, бу ҳолат Бобурнинг «Фунун ул-балоға» билан таниш бўлганлигига доир фаразни кучайтиради.

[32] Маҳмуд Замахшарий. Ал-Қистос ал-мустақим фи илм-ил-аруз. – Байрут: Мактабат ул-маориф, 1989. – С. 16; Шамс Қайс Розий. Ал-мўъжам / Муаллифи сарсухану тавзеҳот ва ҳозиркунандаи чоп У. Тоиров. – Душанбе: Адиб, 1991. – С. 37.

[33] Маҳмуд Замахшарий. Ал-Қистос ал-мустақим фи илм-ил-аруз. – Байрут: Мактабат ул-маориф, 1989. – С. 52; Абу Закарийа (ал-Хатиб) ат-Тибризи. Ал-кафи фи-л-аруд ва-л-кавафи (Перевод с арабского, исследование и комментарий Д.В.Фролова) / Классический арабский стих. История и теория аруда. – М.: Наука, 1991. – С. 245-343.

басит баҳрларига қўшимча тарзда яна икки баҳр: *мақлуби тавил* (ариз) ҳамда *мақлуби мадид* (амиқ) баҳрлари ҳам киритилган[34].

Халил ибн Аҳмад келтирган иккинчи доира «Доираи муъталифа» деб аталиб, *вофир* ва *комил* баҳрларини ўз ичига олади. Бу икки баҳр рукнлари: мафоилатун (*V –VV –*) ва мутафоилун (*VV–V–*) бир-бири билан яқин, яъни ҳижолар сони ва сифатига кўра тенг бўлгани учун шундай ном билан аталган. Шамс Қайс Розий бу баҳрлар ҳам асосан араб арузига хос бўлгани учун мазкур доирани келтирмайди. Насируддин Тусий рисоласида ушбу доирага *вофир* ва *комил* баҳрларига қўшимча тарзда *фоилотака* (*–V– VV)* рукнидан ҳосил бўлувчи янги баҳр (номи келтирилмаган) ҳам киритилган[35].

Халил ибн Аҳмад таълимотига мансуб учинчи доира «Доираи мужталиба» *(жалб этувчи, ўзига тортувчи)* деб аталиб, *ҳазаж*, *рамал* ва *ражаз* баҳрларидан тузилган. Араб арузида ушбу доира мусаддас рукнларни ўз ичига олган, ажам шоирлари ижодида у мусамман рукнлига айланган.

Навбатдаги доира «Доираи муштабаҳа» (ўхшаш) бўлиб, олти баҳрни ўз ичига олади. Булар: *сариъ, мунсариҳ, хафиф, музориъ, муқтазаб, мужтасс* баҳрларидир. Шамс Қайс Розийнинг «Ал-мўъжам» асарида бундай ном билан доира учрамайди. Муаллиф Халил ибн Аҳмад доирасидаги *мунсариҳ, музориъ, муқтазаб* ва *мужтасс* баҳрларини алоҳида доирага киритиб, уни «Доираи мухталифа» деб атайди. Ундаги рукнлар солим эмас, балки зиҳоф кирган рукнлардир. Шамс Қайс Розийнинг фикрича, *сариъ* ва *хафиф* баҳрлари мусамман рукнли ҳолатда мустаъмал ва хуш оҳангга эга эмас, шу сабабли ушбу баҳрларни мусаддас ҳолатда *ғариб, қариб* ва *мушокил* баҳрлари билан бирга бошқа доирага киритиш мақсадга мувофиқ бўлади[36]. Насируддин Тусий рисоласида «Доираи муштабаҳа»га Халил ибн Аҳмад доирасидаги баҳрларга қўшимча равишда яна бир баҳр – *қариб* баҳри ҳам киритилган.

Халил ибн Аҳмад арузидаги бешинчи доира «Доираи мунфарида» (якка, ёлғиз, ягона) деб аталиб, фақат бир, яъни *Мутақориб* баҳридан ташкил топган. Унинг ёлғиз шу баҳрдан иборатлиги доира номининг шундай аталишига олиб келган. Халил ибн Аҳмаддан сўнг унинг издоши Абулҳасан Ахфаш Балхий ушбу доирага яна бир баҳр, яъни *мутадорик*ни қўшиб, уни «Доираи муттафиқа» (бирлашган, ҳамроҳ бўлган) деб атайди. Муттафиқа деб номланишига сабаб фақат *мутақориб*дан иборат «Доираи Мунфарида»га яна бир баҳр *мутадорик* қўшилган ва натижада бу икки баҳр бир-бирига ҳамроҳ сифатида ягона доирага бирлашган. Бу доирадаги мисра мусамман, яъни саккиз рукнли вазндан иборат. Шамс Қайс Розий рисоласида ҳам, Насируддин Тусийнинг «Меъёр ул-ашъор»ида ҳам ушбу доира номи ва унинг таркиби худди Ахфаш Балхийники сингари мутақориб ва мутадорик

---

[34] Насируддини Тўсий. Меъёр-ул-ашъор / Ҳозиркунандаҳои чоп У.Тоиров, М.Абдуллоев, Р.Чалол. – Душанбе: Ориёно, 1992. – С.31.

[35] Насируддин Тусий. Юқоридаги асар. – С. 32.

[36] Шамс Қайс Розий. Ал-мўъжам / Муаллифи сарсухану тавзеҳот ва ҳозиркунандаи чоп У. Тоиров. – Душанбе: Адиб, 1991. – С. 78-81.

баҳрларидан иборат. Фақат Тусий рисоласида мутадорик баҳри *ғариб* номи билан келтирилган.

Бобнинг иккинчи фасли «*Рисолаларда аруз доираларига муносабат*» деб номланади. Темурийлар даври арузшунослигида аруз доираларига муносабатда ҳам ҳар бир муаллифнинг ўзига хос ёндашуви кузатилади. Шайх Аҳмад Тарозий доираларни аруз илми учун аҳамиятсиз деб ҳисоблаб, ўз рисоласида уларни тарк этганини айтади: «Мутақаддимлар ўн олти баҳрким, бурун таркиб қилубтурлар, тақи сўнгра зиёда қилғай. Баҳрлардин баъзининг аслин ва баъзининг шўъбасин бир доирада қўюбтур. Биз доирани тарк қилдук икки сабабтинким, алардин ҳеч фойда йўқтур. Ва яна улким, бир доирада баъзи асл баҳр рост келур, баъзи шўъбани ҳеч лутфи йўқтур»[37]. Бунда муаллиф доираларда баъзан асл рукнли баҳрлар, баъзан алоҳида вазнлар акс этишини таъкидлар экан, уларни тавсиф этишга зарурат йўқ, деб ҳисоблайди.

Абдураҳмон Жомий доиралар тавсифида Шамс Қайс Розий йўлидан боради: араб арузи учун хос бўлган доираларни келтирмайди: «Ва Ажам шоирлари бу беш баҳрда жонларга ҳаловат бағишловчи шеърлардан кўп айтмаганликлари сабабли улар мансуб бўлган доиралар ва фуруъларга тўхталиб ўтилмади»[38]. Бунда Жомий араб арузида кенг қўлланилган *тавил, мадид, басит, комил* ва *вофир* баҳрлари ва улардан тузилган «Доираи мухталифа» ва «Доираи муъталифа»ни назарда тутяпти. Шунга кўра, Жомий рисоласида келтирилган доиралар орасида ушбу икки доира учрамайди.

Атоуллоҳ Ҳусайний «Бадойиъ ус-санойиъ»да Шамс Қайс Розий доираларини мисоллари билан айнан келтиришдан ташқари, яна бешта доирага тўхталиб ўтади. «Мезон ул-авзон»да 7 та доира изоҳланган бўлиб, улардан тўрттаси Навоийгача яратилган форс-тожик рисолалари, жумладан, «Ал-мўъжам» ва «Рисолаи аруз»да мавжуд эди. Навоий рисоласида келтирилган ва «Доираи мухталифа»даги тўрт баҳр ва «Доираи мунтазиа»даги беш баҳр – жами 9 баҳрдан тузилган «*Доираи мужтамиа*» мутафаккирнинг бевосита ўз ихтиросидир. Бобурнинг «Аруз рисоласи»да 9 та доира келтирилган бўлиб, Бобур уларнинг тартибини беришда баҳрлар таснифини асос қилиб олади. Шу маънода, «Аруз рисоласи»даги тўққиз доирадан бештаси муттафиқ ул-аркон, қолган тўрттаси эса мухталиф ул-аркон баҳрлардан тузилган. «Аруз рисоласи»да келтирилган «*Доираи мужталибаи мухтариъа*» Бобурнинг ўзи томонидан кашф қилинган доирадир. Сайфий Бухорийнинг «Арузи Сайфий» асаридан ўрин олган бешта доира замондошларидан фарқли равишда баҳрлар изоҳидан сўнг келтирилади.

Тўртинчи бобнинг сўнгги фасли «*Темурийлар даври арузшунослигида рубоий вазнларига доир қарашлар муқоясаси*» деб аталади. Маълумки, рубоий жанри даставвал форсий шеъриятда вужудга келган бўлиб, унинг

[37] Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозий. Фунун ул-балоға (Бодлиан кутубхонасида сақланувчи Eliott №-127 рақамли қўлёзма). – С. 138.

[38] Абдураҳмон Жомий. Рисолаи аруз / Таржимон, шарҳ ва изоҳлар муаллифи Д.Юсупова. – Т.: TAMADDUN, 2014. – Б. 19.

генезиси халқ оғзаки ижодига бориб тақалади. Ушбу поэтик шаклдаги шеърлар халқ оғзаки ижодида анча қадимдан яратилиб келинган. Шамс Қайс Розийнинг «Ал-мўъжам»да маълумот беришича, рубоийнинг вужудга келиши Абу Абдуллоҳ Рудакий шеърияти билан боғлиқ бўлиб, Рудакий ушбу жанрнинг оҳангини халқ оғзаки ижодидан олган[39]. Асарда берилган ривоятга кўра, ҳайит байрами арафасида болалар ўйинини кузатган шоирнинг диққатини бир ўсмир айтган шеър тортади. Унинг бир мисраси қуйидагича эди: *Ғалтон-ғалтон ҳамеравад то буни кӯ...*

Ушбу мисра тақтиъга солиб кўрилса, ҳазаж баҳрининг «мафъувлун фоилун мафоийлу фаал» рукнларига мос келади. Шамс Қайс Розийнинг ёзишича, шоир Рудакий ушбу оҳанг асосида бир нечта тўртликлар яратган ва кейинчалик бу тўртликлар *тарона* номини олган[40]. Кейинроқ эса Хуросон имомларидан бўлмиш Хожа Имом Ҳасан Қаттон ўзининг аруз илмига доир рисоласида рубоий вазнларини икки шажара: ахраб ва ахрам шажарасига жойлаштирадики[41], бу вазнлар орасида юқорида тилга олинган ўлчов ҳам бор эди.

Ҳазаж баҳрининг ахраб шажараси 12 вазнни, ахрам шажараси яна 12 вазнни ўз ичига олади ва ушбу жами 24 вазн рубоий вазнлари ҳисобланади. «Рубоийда вазн қўллашнинг яна бир ўзига хослиги шундаки, у бошқа лирик жанрлардаги шеърлардан фарқли ўлароқ, ундаги ҳар бир мисра алоҳида-алоҳида вазнда ёзилиши ҳам мумкин»[42].

Ҳазаж баҳрининг ахрам шажараси *мафоийлун* аслий рукнининг ахрам тармоғи бўлмиш мафъувлун рукни билан бошланувчи 12 вазнни ўз ичига олади. Мазкур шажарага мансуб тўрт вазннинг иккинчи рукнлари мафоийлун аслий рукнининг аштар тармоғи – фоилунга, кейинги тўрт вазннинг иккинчи рукнлари мафоийлуннинг ахраб тармоғи – мафъувлуга ва сўнгги тўрттасининг иккинчи рукнлари мафоийлун аслий рукнининг ахрам тармоғи – мафъувлунга тенг бўлади. Ўз навбатида, фоилун ва мафъувлу шахобчаларининг учинчи рукнлари мафоийлун ёки мафоийлудан, мафъувлун шахобчасининг учинчи рукни эса яна мафъувлун ёки мафъувлудан иборат бўлиши мумкин. Агар бундай вазнларда, учинчи рукн мафоийлун ёки мафъувлун бўлиб келса, тўртинчи рукн мафоийлун аслий рукнининг абтар тармоғи – фаъ ёки азалл тармоғи – фоъга, агар учинчи рукн мафоийлу ёки мафъувлу бўлиб келса, тўртинчи рукн мафоийлун аслий рукнининг ажабб тармоғи – фаал ёки аҳтам тармоғи – фаувлга тенг бўлади.

Ахрам шажараси вазнлари ахраб шажарасидан фарқли ўлароқ, чўзиқ ҳижолар кўплиги ҳисобига оғир оҳангга эга бўлгани учун шеъриятда у қадар кенг қўлланилмаган.

Темурийлар даврида яратилган рисолаларда рубоий вазнларига муносабатда ҳам ҳар бир ижодкорнинг ўзига хос ёндашувини сезиш қийин

---

[39] Шамс Қайс Розий. Ал-мўъжам / Муаллифи сарсухану тавзеҳот ва ҳозиркунандаи чоп У. Тоиров. – Душанбе: Адиб, 1991. – С. 95-96.
[40] Шамс Қайс Розий. Юқоридаги асар. – Б. 96.
[41] Сайфий. Арузи Сайфий / Нашрга тайёрловчи Ҳ.Блошман. – Калькутта, 1872. – С. 43 (форс тилида).
[42] Ҳаққулов И. Ўзбек адабиётида рубоий (жанрнинг поэтикаси ва тарихи). – Т.: Фан, 1981. – Б. 14.

эмас. Шайх Аҳмад Тарозий рубоий вазнларини шажара тарзида беради, лекин ушбу вазнлар билан боғлиқ мисолларга тўхталмайди. Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоий рубоий вазнларини алоҳида доира суратида келтирадилар. Рубоий вазнларини ҳазаж баҳри таркибида санаб, рубоий «дубайтий» ва «тарона» номи билан ҳам аталишини таъкидлайдилар[43]. Ҳар икки рисолада ахрам шажараси учун ҳам, ахраб шажараси учун ҳам 3 тадан рубоий келтирилган бўлиб, уларнинг ҳар бир мисраси алоҳида вазнга эга.

«Арузи Сайфий» рисоласида эса рубоий вазнлари алоҳида фаслда, асарнинг энг охирида берилган. Сайфий Бухорий мазкур вазнлар ажам шоирларининг ихтироси эканлигини таъкидлар экан, шундай ёзади: «Билгилки, рубоий вазнлари, уларни *ду байти* ва *тарона* деб ҳам атайдилар, ҳазаж баҳридан келиб чиқади. Уларни Ажам шоирлари ихтиро қилганлар. 24 навъдан иборат. Ушбу 24 вазн қуйидаги 10 калимадан келиб чиқади: 1) мафоийлун; 2) мафъувлу; 3) мафоилун; 4) мафоийлу; 5) фаувл; 6) фаал; 7) фоъ; 8) фаъ; 9) мафъувлун; 10) фоилун»[44].

Атоуллоҳ Ҳусайнийнинг рубоий вазнларига муносабати яна ўзгачалиги билан фарқланади. Муаллиф рубоий вазнларини арузга доир қисмда эмас, балки бадиий санъатларнинг лафзий гуруҳига доир бешинчи фаслида келтиради. Унга кўра, рубоий вазнлари *мушажжар* (шеърни дарахт шаклида бериш) санъатининг латиф намуналаридандир: «Латиф ва фойдалиғ мушажжарлар жумласидин икки мушажжар бордурким, Хуросон пешволаридин бири бўлмиш Хожа Ҳасан-и Қаттон ҳазаж баҳри тармоқларидин бўлмиш рубоий вазнлари учун ижод қилған ва бирин шажара-и ахрам, иккинчисин шажара-йи ахраб деб атаған икки шажараға Шамс-и Қайс татбиқ қилиптур»[45].

Бобурнинг «Аруз рисоласи»да ҳам рубоий вазнлари ажам шоирларининг ихтироси экани айтилиб, ушбу вазнларнинг ҳазаж баҳри зиҳофларидан пайдо қилиниши таъкидланади. Бобур рубоий вазнларининг ўзигача берилишига доир мулоҳазаларини баён қилар экан, аввалги арузшунослар рубоий вазнларни доира шаклида келтиришларига манфий муносабат билдиради: «Мутааххирин бу авзон забти учун доира расм қилибтурлар, махфий қолмағайким, доира бу авзоннинг забти учун кўб номулойим ва бемуносибтур»[46]. Дарҳақиқат, Жомий ва Навоийнинг рисоласида келтирилганидек, рубоий вазнлари доира шаклида берилганда, бир қанча ноқулайликлар кўзга ташланади. Биринчидан, рубоий вазнлари жами 24 та бўлгани учун уларни бир доира таркибида бериш анча мушкул ва чалкашликларга сабаб бўлади. Иккинчидан, доира таркибида фақат рукнларнинг афойилинигина бериш мумкин, уларнинг вазн таркибидаги номи (фуруъ)ларини келтириш имконсиз. Учинчидан, рубоий вазнларининг ҳар бирига мос келувчи мисраларни бериш имконияти ҳам чекланган бўлиб,

[43] Абдураҳмон Жомий. Рисолаи аруз / Таржимон, шарҳ ва изоҳлар муаллифи Д.Юсупова. – Т.: TAMADDUN, 2014. – Б. 37.
[44] Сайфий. Арузи Сайфий / Нашрга тайёрловчи Ҳ.Блошман. – Калькутта, 1872. – С. 45 (форс тилида).
[45] Атоуллоҳ Ҳусайний. Бадойиъ-ус-санойиъ / Форсчадан А.Рустамов таржимаси. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981. – Б. 119.
[46] Бобир Заҳириддин. Мухтасар / Нашрга тайёрловчи С.Ҳасанов. – Т.: Фан, 1971. – Б. 55.

буларсиз рубоий вазнлари ва рубоий муносабатини кузатиш мумкин бўлмай қолади.

Умуман, рубоий вазнлари темурийлар даври арузшунослигида ўзига хос ёндашув маҳсули бўлиб, уларнинг рисолаларда уч хил: 1) ҳазаж баҳри таркибида; 2) баҳрларга боғлиқ бўлмаган ҳолда рисоланинг сўнгида; 3) бадиий санъатлар таркибида келтирилиши бу давр арузшуносларининг рубоий вазнларига муносабати бир-бирларидан фарқли бўлганини кўрсатади.

ХУЛОСА

Темурийлар сулоласи ҳукмронлик қилган даврда арузшуносликда ягона асосга таянган ҳолда икки миллий арузшунослик назариялари: форс-тожик арузи назарияси ҳамда ўзбек (туркий) арузи назарияси яратилди ва ривожланди. Бу даврда аруз илми назарий жиҳатдан ёритилган олтита тугал рисола вужудга келди. Ҳар бир рисола муаллифи арузшунослик ривожига муайян тарзда ўз ҳиссаларини қўшди. Агар Шайх Аҳмад Тарозий туркий арузшуносликни янги баҳрлар билан бойитган ва баҳрлар ясалишида янги тамойилни бошлаб берган бўлса, Алишер Навоий туркий арузга янги доирани олиб кириб, унинг имкониятларини кенгайтирди; аруз назариясини амалиётга боғлаб, «Мезон ул-авзон»да асосан туркий байтларни, кўп ҳолларда ўз ғазаллари матлаъсини мисол қилиб келтирди. Абдураҳмон Жомий услубан мухтасар йўсинда яратилган рисоласида форсий аруз масалаларини алоҳида талқин қилди, араб арузига хос баҳр ва доиралардан воз кечди. Атоуллоҳ Ҳусайнийнинг рисоласи махсус аруз илмига бағишланмаган бўлса-да, кичик муқаддиманинг ўзидаёқ жузв, рукн, зиҳоф, баҳр ва доираларга муносабат муаллифнинг аруз илмида ўз ўрнини қолдириши учун асос бўлди. «Арузи Сайфий»да аруз унсурларининг батафсил ва тадрижийлик асосидаги изоҳи рисоланинг оммалашуви ва ўтган асргача ундан амалий қўлланма сифатида фойдаланиш учун замин ҳозирлади. Бобурнинг «Аруз рисоласи» орқали темурийлар даври арузшунослиги ўз тадрижий такомилига етди: туркий аруз назарияси янги зиҳофлар, вазнлар ва янги доира билан бойиди. Бобурнинг рисоласи ушбу ритмик унсурларнинг миқдори бўйича ҳам давр арузшунослигида етакчи ўринда туради.

Ушбу давр арузшунослигининг арузга доир рисолалар мисолидаги қиёсий таҳлили натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Темурийлар даври арузшунослиги ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолган назарий ҳодиса эмас, балки унинг шаклланиши учун араб ва форс-тожик тилидаги манбалар асос бўлган. Маҳмуд Замахшарийнинг «Ал-қистос», Абу Жайш ал-Ансорий Андалусийнинг «Арузи Андалусий», шунингдек, форс-тожик арузшунослари: Шамс Қайс Розийнинг «Ал-мўъжам», Насируддин Тусийнинг «Меъёр ул-ашъор» асарлари ушбу давр арузшунослиги учун назарий асос вазифасини ўтаган. Туркий арузшунослар мазкур манбалардан ижодий фойдалангани ҳолда аруз назариясини ривожлантирдилар: рисолаларда янги зиҳофлар, баҳрлар, вазнлар ва доиралар вужудга келди.

2. Темурийлар даври арузшунослигида аруз илми ритмик унсурлар: жузв, рукн, зиҳоф, баҳр, вазн ва доиралар сатҳида акс эттирилди. Рисолалар муаллифлари ушбу унсурларга ўз нуқтаи назарлари асосида ижодий ёндашдилар. Бунда рисолаларнинг яратилиш хусусиятлари, услуби, мўлжалланган ўқувчилар аудиторияси ҳам муҳим омил бўлиб хизмат қилди.

3. Бу давр арузшунослигида арузнинг назарий масалалари жузвлар тавсифидан бошланди. Шайх Аҳмад Тарозий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоийнинг рисолаларида жузвлар сони умумий тарзда олтита деб келтирилди, бу олимлар *фосила* билан боғлиқ ихтилофли масалаларга тўхталмадилар. Атоуллоҳ Ҳусайний ва Сайфий Бухорий тўғридан-тўғри бўлмаса-да, лекин билвосита фосиланинг аруз илми учун аҳамиятсиз эканлигига урғу қаратдилар. Бобур анъанавий жузвларга қўшимча тарзда сабабнинг учинчи турига *сабаби мутавасситни,* ватадга *ватади касрат*ни ҳам киритиш мумкинлигини таъкидлади, лекин фосилани амалий жиҳатдан жузв сифатида эътиборга молик эмас, деб ҳисоблади. Асарнинг услубий йўналишидан келиб чиқиб, «Арузи Сайфий»да жузвларнинг луғавий маъноларига ҳам тўхталиб ўтилди.

4. Темурийлар даври арузшунослигида жами 45 та зиҳоф изоҳланган бўлиб, улардан «Фунун ул-балоға»да 35 та, «Рисолаи аруз» ва «Мезон ул-авзон»да 32 та зиҳоф келтирилган. Ушбу олимлар зиҳофлар номини умумийликда берадилар. Бобур эса «Аруз рисоласи»да 44 та зиҳофни муфрад ва мураккабга ажратиб талқин қилади. «Бадойиъ ус-санойиъ»да аввал араб арузига хос бўлган (28 зиҳоф), сўнгра ажам арузига хос бўлган (11 зиҳоф), жами 39 та зиҳоф таҳлил қилинган. «Арузи Сайфий» рисоласида зиҳофларга махсус фасл бағишланмаса-да, баҳрлар таҳлили билан боғлиқ ўринларда 18 та зиҳофга тўхталиб ўтилган.

5. Агар Халил ибн Аҳмад яратган аруз тизимида 15 та баҳр мавжуд бўлса, кейинчалик Абулҳасан Ахфаш Балхий ушбу баҳрлар қаторига яна бир баҳр (*мутадорик*)ни қўшиб, араб баҳрлари сонини 16 тага етказди. Форс арузшунослари Халил ибн Аҳмад таълимотини мукаммаллаштириб, баҳрлар сонини кўпайтирдилар. Баҳром Сарахсий, Бузургмеҳр Қосимийлар арузнинг янги баҳрларини кашф этдилар. Бизгача етиб келган арузга доир илк форсий асар «Ал-мўъжам»да мавжуд 16 та баҳрга яна учта баҳр (*ғариб, қариб, мушокил*) қўшилиб, 19 та баҳр таҳлилга тортилди. Муаллиф ўз асарида форсий арузшунослар кашф қилган 21 мустаҳдас (янги) баҳрлар номини ҳам келтириб ўтди. Насируддин Тусийнинг «Меъёр ул-ашъор» асарида эса 18 баҳр изоҳланган бўлиб, унда аввалги рисолада тилга олинмаган *мақлуби тавил* баҳри махсус таҳлил этилди, *мушокил* ва *ғариб* баҳрлари эса тушириб қолдирилди.

6. Темурийлар даври арузшунослигида жами 41 та баҳр назарий жиҳатдан таҳлил қилинган. Шулардан 40 таси Шайх Аҳмад Тарозийнинг рисоласида келтирилади, улар орасида 20 та баҳр арузшуносликка доир бошқа форсий ва арабий манбаларда учрамайди. Бу ҳолат ушбу баҳрларнинг мумтоз арузшунослик учун ҳам янги экани ва уларнинг аксариятини муаллифнинг ўзи кашф қилгани билан боғлиқ фаразни илгари суришга асос

бўлади. Абдураҳмон Жомий, Атоуллоҳ Ҳусайний, Алишер Навоий ва Сайфий Бухорийларнинг рисолаларида баҳрларнинг умумий миқдори 19 та деб кўрсатилади, лекин улар орасида Абдураҳмон Жомий масалага бир оз ўзгачароқ ёндашиб, «Рисолаи аруз»да фақат 14 баҳрни мисоллар билан изоҳлайди, араб арузига хос бўлган баҳрларга кенг тўхталиб ўтирмайди. Бобурнинг «Аруз рисоласи»да эса 19 баҳрга қўшимча равишда яна икки баҳр (*ариз* ва *амиқ*) махсус таҳлил қилинган. Ушбу рисолалардан фақат «Арузи Сайфий»да баҳрларнинг луғавий маъноларига ҳам тўхталиб ўтиладики, бу бевосита рисоланинг қўлланма характерига эга эканлиги билан изоҳланади.

7. Шайх Аҳмад Тарозий арузшуносликка баҳрларни жуфтлаштириш (ухти) асосида ҳосил қилиш тамойилини олиб кирган ислоҳотчи олимдир. Бу тамойил мухталиф ул-аркон гуруҳига кирувчи баҳрлар учун аҳамиятли бўлиб, унга кўра, аруз илмида муайян баҳрнинг ҳосил қилиниши учун унгача мавжуд бўлган баҳр асос вазифасини ўташи керак: янги баҳр рукнлари ўзидан аввалги баҳр рукнларининг акси (тескари ҳолдаги такрори)дан вужудга келиши зарур, агар бу шарт адо этилмаса, у баҳр сифатида тан олинмайди.

